

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЛИЕВ БЕКЗОД ИСМОИЛОВИЧнинг

**“ЎЗЛАШТИРИШ ВА РАСТРАТА ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ
ҚИЛИШ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ” мавзусидаги**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: Академия ўқитувчиси,
ю.ф.н. Ф.М.Шодиев**

Тошкент-2021 йил.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....3-6

1-боб. Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик тавсифи ҳамда унинг олдини олиш масалалари7

1.1 Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятларининг ҳуқуқий ва криминологик тавсифи.....7-11

1.2 Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятининг иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.....12-19

1.3 Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олишнинг асосий чора-тадбирлари.....20-33

2-боб. Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятларининг суриштирув ва дастлабки терговини ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш.....34

2.1 Ўзлаштириш ва растрата қилиш жинояти юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш тартиби.....34-44

2.2 Жиноят иши қўзғатиш ва терговни режалаштириш.....45-55

2.3 Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятлари юзасидан суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш.....56-79

Хулоса.....80-83

Фойдаланилган адабиётлар.....84-87

КИРИШ

Мавзу асосланиши ва долзарбилиги. Мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш давлат сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ўзлаштириш ва растрата қилиш орқали мулкни талон-торож қилиш жиноятларииинг содир этилиши жамиятининг ижтимоий-иктисодий соҳасидаги энг оғриқли нуқталаридан биридир. Бу борада муҳтарам президентимиз, Шавкат Мирмонович таъкидлаганларидек, “олдимиизда турган яна бир вазифа хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантиришга халақит бераётган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этишдан иборат”¹, дея таъкидлаб ўтганлар. Дарҳақиқат иқтисодий жиноятларга қарши курашиб фаолияти ҳар доим, хусусан иқтисодий-сиёсий ва суд-хуқуқ соҳасида жадал ислоҳотлар амалга ошаётган даврда долзарблик касб этади.

Ўзлаштириш ва растрата қилиш орқали мулкни талон-торож қилиш жиноятига қарши курашда шундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ва жавобгарликни белгилаш амалиёти ҳам муҳим аҳамият касб этади. ЖКнинг 167-моддаси яъни ўзлаштириш ёки растара йўли билан талон-торож қилиш билан 2015 йилда – 3883 та иш, 7595 нафар шахсга; 2016 йилда – 4020 та иш, 8442 нафар шахсга; 2017 йилда – 3286 та иш, 6458 нафар шахсга; 2018 йилда – 1927 та иш, 3491 нафар шахсга; 2019 йилда – 1620 та иш, 2992 нафар шахсга нисбатан кўрилган бўлса, 2020 йилда ЖКнинг мазкур моддаси билан 2583 та жиноят рўйхатга олинган.

Мазкур жиноятнинг содир этилишининг ортиб бориши мазкур йўналишни тадқиқ қилиш орқали жиноятни тез очиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, етказилган моддий зарарни ўрнини қоплаш орқали жамиятда адолатни қарор топтириш ва шу орқали бу турдаги жиноятлар

¹ Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъийлик билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз” 1-Т Тошкент “Ўзбекистон” 2017. 68-б

содир этилишини олдини олиш чоралари ишлаб чиқиш долзарбилигини кўрсатади.

Ўзлаштириш ва растрата қилиш орқали мулкни талон-торож қилиш жиноятига қарши кураш фаолиятини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш бу борадаги ишлар сифатини яхшилаш гаровидир. Ўзлаштириш ва растрата қилиш орқали мулкни талон-торож қилиш жинояти, уни тергов қилишнинг: методикаси, тергов ҳаракатларини ўтказиши тактикаси, тергов вазиятлари ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар хусусидаги масалалар борасида яқдил фикрнинг мавжуд эмаслиги ёки илмий асосларнинг етишмаслиги кузатилади.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти сифатида ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилиш борасида вужудга келадиган ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар танланди. Тадқиқотнинг предмети ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилиш борасидаги нормалар, юридик адабиётлардаги ғоялар, фикрлар, илмий ёндашувлар ва тергов анъаналари ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилиш методикасини назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиб, улар юзасидан келиб чиқсан саволларга жавоб қидириш, соҳа илм-фани ривожи ва қонунлар такомиллашишига ҳисса қўшишдир.

Ушбу мақсад тадқиқотнинг:

ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг ҳуқуқий табиати ва моҳиятини очиб бериш;

ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини таҳлил қилиш;

ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилишнинг криминалистик қоидаларини ёритиш;

ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилиш хусусида миллий қонунчилигимиз ва унинг амалиётини таҳлил қилиш;

ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва хulosаларни ишлаб чиқиш вазифаларини белгилаб беради.

Илмий янгилиги ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятлар криминалистик характеристикасининг концептуал асослари, уларни аниқлаш ва тергов қилиш методикасининг назарий ва амалий жиҳатлари, уларни тергов қилишда алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари биринчи маротаба магистрлик тадқиқоти даражасида ўрганилди.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Охирги йилларда чоп этилаётган дасрликлар, илмий мақолалар, илмий ва амалий тадқиқот ишларида ўзлаштириш ва растрата қилиш орқали мулкни талон-торож қилиш жиноятларининг жиноят-ҳукукий ва криминологик жиҳатларига эътибор берилиб, масаланинг криминалистик жиҳатларига етарлича эътибор қаратилмасдан келинмоқда. Агар охирги йиллар давомида амалга оширилган монографик тадқиқотларга қарайдиган бўлсак, жиноят ҳукукий йўналишда У.М.Мирзаев ва М.М.Қаландаровлар томонидан номзодлик илмий даражаларини олиш учун тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлса, жиноят процесси йўналишида тадқиқот амалга оширилмаганлиги фикримизнинг исботидир.

Жиноятларни тергов қилиш методикаси тушунчаси ва айрим турдаги жиноятларни тергов қилиш Ўзбекистонда чоп этилган ўқув ва илмий адабиётларда умумий тарзда ёритилган.

Хорижий давлатларда Г.С.Гарбуз, И.А.Клепицкий, В.Зырянов, А.В.Шульга, В.Буларгин, Б.В.Даниэльбек, Ф.Зилинский, Ю.Калинин, Ю.Ляпунов, С.А.Тарарухин, И.Плохова, К.Фахрутдинов, И.Хакимов ва

бошқалар XX асрнинг 80-90 йилларда, Л.Андреева, Л.Д.Гаухман ва уни квалификация қилиш мавзусида Б.Волженкин, А.Игнатов, А.К.Квашилава, Г.Кригер, С.С.Кокшаров, А.А.Пинаев, А.Расуловлар томонидан илмий даражалар олиш учун тадқиқотлар ўтказилган.

Тадқиқот услублари. Магистрлик тадқиқот ишини амалга оширишда қиёсий таҳлил, тарихий ўрганиш, прогнозлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Мавзу юзасидан келтирилган, тизимлаштирилган ва ишлаб чиқилган назарий фикрлар криминалистика, хуқуқий фанлар юзасидан маъруза матнларида, ўкув-услубий таъминотни ишлаб чиқишида ва илмий тадқиқотларда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида илгари сурилган таклифлар ва амалий тавсиялар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда талон-торож жиноятларини тергов қилиш амалиётини янада такомиллаштириш учун қўлланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Кириш, икки боб, олти параграф, хулоса ҳамда фойданилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб. Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик тавсифи ҳамда унинг олдини олиш масалалари

1.1 Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятининг ҳуқуқий ва криминологик тавсифи

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддасида ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Юридик фанлар доктори, профессор М.Х.Рустамбоевнинг фикрига кўра, айборга ишониб топшириб қўйилган ёки унинг ихтиёрида турган мулк — мансаб вазифалари ёки шартномавий муносабатларга кўра ёхуд маҳсус топшириқ муносабати билан ўзганинг мулкини тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки саклаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг (масалан, омбор мудири, экспедитор, таъминотчи, сотувчи, кассир ва бошқа шахслар) эгалигида бўлган мулк тушунилади².

Ўзлаштириш ва растрата обьекти бўлиб ишониб топширилган мулкка эгалик қилиш, уни юритиш ва ундан фойдаланиш ҳукуқлари мавжудлиги билан ҳосил бўладиган мулкнинг жамоат муносабатлари хизмат қиласи.

Ишониб топширилган мулк деб қуидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда айтилади:

-бундай мулк мулқдор томонидан ёки ташкилот раҳбари томонидан қонуний эгалик қилиш ва фойдаланиш учун (қонуний асосда) берилади.;

-эгалик ҳукуқи мулкка нисбатан бошқарув, етказиб бериш ва саклаш бўйича ҳукуқлари амалга ошириш билан билан боғлиқдир;

-фойдаланиш мулқдан фойдали хоссаларини чиқариб олиш ёки уни мулқдорнинг манфаатларида унинг вазифаларига қараб истеъмол қилиш билан боғлиқ;

² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар Махсус қисм-Тошкент ILM-Ziyo 2006-Б.263

-шахс хуқуқларини лозим бўлган шаклда расмийлаштирилган хуқуқий асосларда амалга оширади.

Айбдорга ўзганинг мулкини ишониб топшириш меҳнат муносабатларидан, фуқаровий-хуқуқий шартномалардан келиб чиқади. Бу фактни исботлаш учун ушбу фактни ҳужжатли исботлайдиган ҳолатларни топиш лозим (масалан, моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномани, юк ҳужжатлари, йўл ва рақалари, сақлаш шартномалари, ижара шартномаси ва бошқалар). Айнан ўзганинг мулкини ишониб топшириш белгиси бўйича ўзлаштириш ва растрата товламачиликдан фарқ қиласди.

Жиноят субъекти. Ушбу жиноятларнинг субъекти ўзганинг мулки ишониб топширилган, 16 ёшга етган, ақлирасо жисмоний шахсдир. Амалдаги Мехнат кодексига мувофиқ фуқаролар 14 ёшдан ходимлар сифатида фаолият олиб боришлиари мумкинлигига қарамай, тўла моддий жавобгарлик ҳақидаги шартнома фақат 18 ёшдан тузилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб қўп ҳолатларда жиноят субъектлари сифатида вояга етган шахслар бўлиши мумкин.

Мазкур жиноятда субъект маҳсус бўлади, чунки айбдорга ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талонторож қилинганда гап ўзлаштирилган ёки растрата қилинган мулкка нисбатан шахснинг маълум ваколатлари мавжуд бўлиши ҳақида кетади. Ушбу жиноят таркиби учун аниқлаштирувчи хусусиятлари бўлиб, бу мулкка жиноят субъектининг тажовуз предметининг иқтисодий ва ҳуқуқий томонларига таъсир қилмайдиган алоҳида ҳуқуқий муносабати хизмат қиласди.

Ўзлаштириш ва растратада мулк айбдорга ҳақиқатдан унинг ўз хизмат вазифаларини бажариши, шартнома мажбуриятларини бажариши ёки маҳсус топшириққа асосан тасарруф қилиш, бошқариш, сақлаш ёки етказиб бериш бўйича шартномаларни бажариш учун қонуний топширилади.

Шу муносабат билан ушбу жиноят субъекти бўлиб деярли ҳар доим моддий жавобгар шахслар бўладилар. Шахс агар меҳнат муносабатлари

асосида (мөхнат шартномаси, ёки йўриқномада кўрсатилган мансаб мажбуриятларига кўра) мол-мулкни мулкдордан ёки мулкнинг қонуний эгасидан қонуний асосда ўзининг ихтиёрига кўп ҳолларда имзо чекиб олганда моддий жавобгар шахс мақомига эга бўлади.

Ўзлаштириш ёки растрата субъектининг жиноят ҳодисаси билан ўзаро алоқаси борасида шуни айтишимиз мумкинки, ўзаро алоқа шахснинг жиноят содир қилиш усули билан боғлиқлигида кўринади, чунки ўзлаштириш талон-торож шакли сифатида айбдорга ишониб топширилган ўзганинг мулкини ўз фойдасига ўтказиш мақсадида ноқонуний ушлаб қолиш (қайтармаслик)ни тахмин қиласи, растрата эса ўзганинг мулкини учинчи шахслар фойдасига ҳар қандай бегоналаштириш шакли ёки айбдор томонидан унга ишониб топширилган мулкни истеъмол қилиш билан ифодаланади³.

Жиноят ҳодисаси, тасвирлаб ўтилган бошқа элементлардан ташқари криминалистикада «...жиноий мақсадларга етишишга қаратилган вақт ва макон доирасида боғланган ҳаракатлар, усуллар, операциялар тизими»⁴ тушуниладиган жиноят содир қилиш усулини ўз ичига олади⁵.

Жиноят ҳуқуқида ўзлаштириш талон-торож шакли сифатида маълум бир мақсадда айбдорга ишониб топширилган ўзганинг мулкини ноқонуний ушлаб қолиш ёки қайтармаслик, мулкни ноқонуний бепул ўз мулкига айлантириш тушунилади.

Растрата деб айбдорга маълум мақсадлар учун берилган ўзга мулкни ноқонуний ушлаб туриш ва истеъмол қилиш тушунилади. Суд амалиёти растрата – бу бирорнинг фойдасига ўтказиш мақсадида мулкни бошқа шахсга ўтказиш деган фикрдан келиб чиқади. Растратада ўтказиш (сотиш, совға қилиш, алмаштириш) қайси шаклда амалга оширилганлиги муҳим

³ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / отв. ред. В.М. Лебедев. - 6-е изд., перераб. и доп. - М.: Юрайт-Издат, 2006. - С. 435

⁴ Курс криминалистики. Общая часть / отв. ред. В.Е. Корноухов. - М.: Юристъ, 2000. - С. 44.

⁵ Ўша жойда: Курс криминалистики. Общая часть / отв. ред. В.Е. Корноухов. - М.: Юристъ, 2000. -С. 44.

эмас. Асосийси – мулк ғаразли мақсадларда қайтариб бўлмайдиган ҳолда бошқа шахсларга ўтказилиши⁶.

Ўзлаштиришнинг объектив томонини ўзганинг ишониб топширилган мулкини қонуний айланмадан ноқонуний айланмага ўзгартириш билан боғлик ҳаракатлар ташкил қиласди. Айборд ўзида талон-торож қилинган мулкни ўзига ажратиб олади, ўзининг мулкидек тасарруф қиласди. Ўзлаштиргандан сўнг мулкни ишлатиб юбориши мумкин, лекин бу энди мустақил жиноят эмас, балки талон-торож қилинган мулкни тасарруф этиш шакли бўлади. Растратанинг объектив томонини эса бу мулкни дархол ажратиб олиш билан кечадиган ишониб топширилган ўзганинг мулкини қонуний эгалиқдан ноқонуний эгаликка ўтказиш билан боғлик бўлган ҳаракатлар ташкил қиласди. Ўзганинг мулкини ўзлаштирган шахсдан фарқли растрата қилган шахсда жиноят тугаган пайтда мулк бўлмайди, ишлатиб бўлган бўлади. Ўзлаштириш ва растрата жиноятнинг моддий таркиблари ҳисобланади. Агар ўзлаштириш ишониб топширилган мулкни ушлаб қолиш ёки айборд томонидан уни ўз фойдасига ўтказиш бўлса, растрата – бу айбордга ишониб топширилган ўзганинг мулкини ноқонуний ва бепул истеъмол қилиш (шахсий истеъмол қилиш, ишлатиш йўли билан) ёки мулкни учинчи шахсларнинг фойдасига ажратиб бериш (сотиш, совға қилиш, қарзни қайтариш) сифатида бериш тушунилади.

Жиноят таркибининг субъектив томони. Ўзлаштириш ва растрата қилиш айби тўғридан-тўғри қасд билан ғараз шаклида келади, бунда жиноят ғаразли мақсадда амалга оширилади.

Жиноят содир қилганида мулкдорнинг мулкининг бир қисмини ташкил этган маълум нарсаларни талон-торож қилаётib шахс мулкдорга моддий зарар етиши билан белгиланадиган жамоат учун хавфли оқибатлар келиб чиқиши муқаррарлигини, мулкдор талон-торож қилинган ўз мулкига эгалик қила олмаслиги ва тасарруф эта олмаслигини англайди.

⁶ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / отв. ред, В.М. Лебедев. - 6-е изд., перераб. и доп. - М.: Юрайт-Издат, 2006. -Сс. 424-425.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасини айрим хориж давлатлари жиноят қонунларидағи ўзлаштириш, растрата қилиш учун жавобгарлик белгиланған жиноят-хукуқий нормалари билан таққосланғанда, мазкур маҳсус белги бизнинг қонунчиликда анча ижобий ҳал қилинган, деган хulosага келиш мумкин. МДХга аъзо давлатлардан Арманистон (ЖК 179-моддаси)⁷, Белорусь Республикаси (ЖК 211-моддаси)⁸, Молдова (ЖК 191-моддаси)⁹, Озарбайжон (ЖК 179-моддаси)¹⁰, Россия Федерацияси (ЖК 160-моддаси)¹¹, Қирғизистон (ЖК 171-моддаси)¹², Қозоғистон (ЖК 176-моддаси)¹³ давлатларнинг Жипоят кодексларида мулк айбордога фақат ишониб топширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Айборнинг мулкка нисбатан маҳсус ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кенгроқ ёритилган, яни мулк айбордога нафақат ишониб топширилиши, балки унинг ихтиёрида бўлиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган. Бундай қоида Грузия (ЖК 132-моддаси)¹⁴, Тожикистон (ЖК 245-моддаси)¹⁵, Украина (ЖК 191-моддаси)¹⁶ давлатлари жиноят қонунларида ҳам мавжуд.

⁷ Уголовный кодекс Республики Армения//<http://www.parliament.am/legislation.php?sell=show&ID=1349&-lang-rus#>

⁸ Уголовный кодекс Республики Белорусь-СПб-Юридический центрПресс.2001-С267-268.

⁹ Уголовный кодекс Республики Молдова-СПб-Юридический центрПресс.2003-С262-263

¹⁰ Уголовный кодекс Азербайджанской Республики -СПб-Юридический центрПресс.2001-С197-198

¹¹ Уголовный кодекс Российской Федерации-М.Дашков и К. 2004-С 102

¹² Уголовный кодекс Кыргызской Республики-СПб-Юридический центр Пресс.2002-С 181-182

¹³ Уголовный кодекс Республики Казахстан-СПб-Юридический центр Пресс.2001-С 198-199

¹⁴ Уголовный кодекс Грузии-СПб-Юридический центрПресс.2001-С 218-219

¹⁵ Уголовный кодекс Республики Таджикистан-СПб-Юридический центр Пресс.2001-С254-255

¹⁶ Уголовный кодекс Украины-СПб-Юридический центрПресс.2001-С 167-168

1.2 Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятининг бошқа жиноятлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари

Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятини бошқа турдаги жиноятлардан фарқлашда олимлар томонидан бир қатор фикрлар билдирилган. Чунончи, ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқенини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарлик (ХХ асрнинг 60-80-йилларда В.Буларгин, Б.В.Даниэльбек, Ф.Зилинский, Ю.Калинин, Ю.Ляпунов, С.А.Тарарухин, И.Плохова, К.Фахрутдинон, И.Хакимов ва бошқалар ХХ асрнинг 80-90 йилларда А.Аллабергенов, Л.Андреева, Л.Д.Гаухман ва бошқалар) ва уни квалификация қилиш (Б.Волженкин, А.Игнатов, А.К Квашилава, Г.Кригер, С.С.Кокшаров, А.А.Пинаев, А.Расулов, С. Экмекчи ва бошқалар ХХ асрнинг 80-90 йилларда А.П.Аллабергенов, В.У.Гузун, Ю.И.Ляпунов ва бошқалар)¹⁷ мавзуига оид бир қанча илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган ишлар олиб борилган.

Талон-торож қилиш тушунчаси босқинчилик, талончилик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик каби мулкка қарши жиноятлар гурухига тааллуқлидир.

Талон-торож қилиш предмети моддий борлиқ предмети сингари аниқ хусусиятларга, белгиларга (оғирлиги, сифати, ҳажми ва ҳоказоларга) эга бўлиши керак. Шу муносабат билан электр иссиқлик энергияси, газ, сув, қувирлари талон-торож қилиш жиноятларининг предмети бўлиши мумкин эмас. Бироқ бундай ҳаракатлар бошқа жиноят таркибини: алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий заар етказиш (ЖК 170-моддаси) ёки электр, иссиқлик энергияси, газ, сув қуврлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (185²-моддаси) жиноятларида айбли бўлиши мумкин. Шунингдек, интеллектуал меҳнатни ўзлаштириш (плагиат) талон-торож қилишнинг предмети бўла олмайди, бундай ҳаракатлар муаллифлик ёки

¹⁷ Горелик А. Советское уголовное право.Библиографический справочник.(1981-1985 гг)-Красноярс.1987.-С.101-102

ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖК 149-моддаси) жинояти таркибини ташкил қиласи.

Шахс мол-мулкка эгалик ҳуқуқига эга бўла туриб, белгиланган тартибни бузиб уни қўлга киритган ҳолларда, талон-торожнинг таркиби мавжуд бўлмайди. Унинг ҳаракатлари бошқа жиноят – ўзбошимчалик (Ўзбекистон Республикаси ЖК 229-моддаси) деб ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, умумий улушдаги шахснинг шерикчилик асосидаги мулкни ноқонуний эгаллашида ҳам талон-торож қилиш белгилари мавжуд бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” 17-сонли қарорида мансаб вазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра, ўзганинг мулкини тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга хилоф равища текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши лозимлиги, юқорида кўрсатилган қонуний ваколатларга эга бўлмаган, аммо топширилган ишни ёхуд хизмат вазифаларини бажариши туфайли мулк сақланадиган жойга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан ўзганинг мулкини талон-торож қилиниши ўғрилик (ЖК 169-моддаси) деб тавсифланиши кераклиги белгиланган.

Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини талон-торож қилиш, агар бу ўзганинг мулкини қонунга хилоф равища текинга ўзининг ёки бошқа шахсларнинг мулқдорлигига айлантиришида ифодаланган бўлса, ЖК 167-моддаси 2-қисмининг «г» банди билан квалификация қилиниши лозим ва ЖК 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги, агар ўзганинг мулкини

ғайриқонуний равища текинга айбдорнинг мулкига айлантириш мақсади билан олиб қўйилганлиги аниқланмаган бўлиб, лекин бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар мавжуд бўлган тақдирда бундай ҳаракатлар (масалан, товар-моддий бойликларининг камомади ёки уни яшириш ҳолатининг ўзигина; ўзганинг мулкидан ўзиникига айлантириб олиш мақсадисиз вақтинча фойдаланиш; ўзганинг мулкини қарзга бериб юбориш ва х.к.) талон-торож қилиш деб тавсифланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 35-сонли қарорида Агар шахс ўзганинг мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Ўзганинг мулкини талон-торож қилишга қаратилган қасд мавжудлиги тўғрисида, жумладан, айбдор томонидан сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиш, қарз мавжудлиги ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириш, битимда тарафлардан бири сифатида иштирок этиши учун сохта корхона (ташкилот) тузилиши, кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиш ёхуд уларни накдлаштириш кабилар гувоҳлик бериши мумкин. Қайд этилган ҳолатлар ўз ўзидан шахсни фирибгарлик содир этишда айбдор деб топиш учун асос бўлмайди, шу туфайли, шахснинг ўз мажбуриятларини била туриб бажариш нияти бўлмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши шарт.

Агар ўзганинг мулкини эгаллашга нисбатан қасд айбдорда мулк қабул қилингандан кейин юзага келган бўлса, шахснинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этмайди ва муайян ҳолатларни инобатга олган ҳолда ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан

талон-торож қилиш (масалан, шахснинг ўзига хўжалик юритиш, оператив бошқариш, ишончли бошқариш, етказиб бериш, сақлаш, реализация қилиш ва ҳ.к. мақсадида қонуний берилган мулкни қонунга хилоф тарзда ва ҳақини тўламай ўзининг ёки бошқа шахснинг мулқдорлигига қаратиши) сифатида баҳоланиши лозим.

Мулк айбдорга эгалик қилиш ҳуқуқини юридик тасдиқлаш йўли билан берилмасдан, балки ўзаро ишонч асосида меҳнат мажбуриятларини бажариш учун олинган бўлса, бундай мулк ишониб топширилган мулк ҳисобланмайди. Агар мулк шахсга сони, миқдори кўрсатилган ҳолда маҳсус хужжатда расмийлаштирилган тартибда топширилган бўлса, бундай мулкни талон-торож қилиш ўзлаштириш. растрата қилиш жинояти ҳисобланади, мулк расмийлаштирилмасдан, унинг сони, миқдори кўрсатилмасдан топширилган бўлса, қилмиш ўғирлик сифатида баҳоланади.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда айбдор ўзига мулқдор томонидан ишониб топширилган мулкни талон-торож қилса, фирибгарлик жиноятида алдашдан ташкари ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ҳам талон-торож қилинади. Демак ҳар иккисида ҳам айбдор мулқдорнинг ишончиidan фойдаланади ва унга билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, мулкни талон-торож қиласди.

Ишончни суиистеъмол қилиш - фирибгарликнинг усули сифатида айбдор шахс томонидан ғараз ниятларда жабрланувчи билан бўлган ўзаро ишончли муносабатлар (дўстлик, қариндошлиқ, таниш-билишчилик) асосида айбдор жабрланувчининг унга бўлган ишончидан фойдаланиб, жабрланувчининг мулкини эгаллаб олади.

Фирибгарликдан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш:
1) жиноятнинг субъекти мулкка қонуний асосда эгалик қилиши; 2) талон-торож қилинаётган мулкка нисбатан айбдорнинг ваколатлари хизмат мажбуриятлари, шартномавий муносабатлар ёхуд мулқдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан маҳсус топшириқ асосида вужудга келиши; 3) мулк айбдорга фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат шартномаси асосида ёзма шаклда

расмийлшатирилган тарзда топширилганлиги билан фарқ қиласи. Шунингдек, фирибгарликда жиноий қасд мулк айборнинг эгалигига қонуний равища ўтгандан кейин пайдо бўлади.

Шундай қилиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни тўғри квалификация қилиш, ўхшаш таркибли жиноят (фирибгарлик, ўғирлик)лардан фарқлаш учун қатый чегара белгиланиши керак, яъни мулк айборга фақат ёзма тарзда расмийлшатирилган холда берилган бўлса, қилмиш ЖК 167-моддаси билан, агарда мулк айборга ўзаро ишончли муносабатлар (дўстлик, кариндошлиқ, таниш-билишчилик)га асосланган ҳолда ёки ёзма расмийлшатирилмаган тарзда берилган бўлса, бундай қилмиш бошқа моддалар (иш ҳолатларига кўра ЖК 168, 169-моддалари) билан квалификация қилиниши керак.

Демак, ўзлаштириш ёки растрата қилишнинг талон-торожнинг бошқа шаклларидан асосий фарқи шундаки, ўзлаштириш ва растратада жиноят предмети айборнинг эгалигига қонуний асосларда ўтган бўлади, яъни мулк айборга хизмат мажбуриятлари, шартномавий-хуқуқий муносабатлар ёхуд мулқдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан маҳсус топшириқ асосида тегишли тартибда ёзма тарзда расмийлшатирилган холда ишониб топширилган бўлади. Талон-торожнинг бошқа шаклларида жиноят предмети ўзганинг мулки жиноят содир этилаётган вактда айборнинг эгалигига бўлмайди.

Тергов ва суд амалиёти таҳлилига кўра ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти жўда кўп ҳолларда ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилади. Шу ўринда савол туғилади: ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан талон-торож содир қилган шахснинг ҳаракатлари талон-торож деб битта модда билан квалификация қилиниши керакми ёки талон-торож ва қалбакилаштириш, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш билан жиноятлар жами тарзида квалификация қилиниши керакми?

Ушбу масаланинг ечими юзасидан ҳозиргача амалиёт ва назарияда ягона тўхтамга келинмаган.

Олимларнинг ҳам бу борадаги фикрлари турлича: бир нуқтаи назарга кўра ҳужжатларни қалбакилаштириш билан содир этилган талон-торожни фақат талон-торож деб квалификация қилиш керак, чунки талон-торож қалбакилаштиришни қамраб олади”¹⁸, деб ҳисоблайдилар; бошқа қарама-қарши фикр тарафдорлари бундай ҳолатда қилмиш жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши керак, деб ҳисоблайдилар¹⁹.

Биринчи фикр тарафдорлари ўз қарашларини қалбакилаштириш, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш талон-торожнинг усули, деб асослайдилар. Лекин, қонун чиқарувчи орган бирорта моддада қалбакилаштириш йўли билан талон-торожни жиноятнинг усули сифатида алоҳида ажратиб кўрсатмаган, яъни ҳужжатларни қалбакилаштириш талон-торожнинг шакли ҳисобланмайди. Иккинчи фикр тарафдорлари ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш учун ЖК маҳсус 228-моддаси мавжуд, шунинг учун талон-торож ҳужжатларни қалбакилаштириш билан бирга кузатиладиган бўлса, қилмиш ҳужжатларни қалбакилаштириш ва талон-торож шаклига караб ўзлаштириш, растрата ёки фирибгарлик билан бирга жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши керак, деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айrim масалалари ҳақида”ги 2004 йил 21 майдаги қарорининг 8-бандига кўра, агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-торож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган

¹⁸ Кабулов Р Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями теория и практика: Дис. ... докт. юрид. наук. - Ташкент. 1997. - С. 250.: Матлюбов Б. Жиноятлар мажмуини жиноий-хукукий нормаларнинг қисм ва бутун ракобатидан ажратиш “Хукуқ-Право-Law\”. - Тошкент. 2002 - № 2 - Б. 82-83.

¹⁹ Плаухов Е.О. Квалификаций хищений, совершенных по подложным документам. - Ташкент: Адолат. 1994. - С. 85. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми карорлари тўплами. 1991-2006. 2 жилди. - Тошкент: Адолат. 2006 Иккинчи жил д. Б. 171-172.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. - Тошкент. 2008. - № 3. - Б. 14

бўлса, унинг қилмиши ЖК 167 ва 209-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак²⁰.

Агар мулк ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилингандан сўнг жиноятни яшириш, пайдо бўлган камомадни беркитиш мақсадида ҳужжатларни сохталаштирган ёки қалбакилаштирган бўлса, мансабдор бўлмаган шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 167 ва 228-моддалари билан жиноятлар жами тариқасида, агар мансабдор шахс бўлса унинг ҳаракатлари 167-моддаси 2-қисм “г” банди ва 209-моддаси билан жиноятлап жами тариқасида квалификация қилиниши керак.

Айбдор ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш мақсадида ҳужжатларни сохталаштирган ёки қалбакилаштирган бўлса (ҳатто жиноят содир этилишини енгиллаштириш мақсадида бўлса ҳам), айбдорнинг ҳаракатлари фақат ЖК 167-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарори 10-бандига кўра: “Бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди”²¹.

Суд-тергов амалиётининг таҳлилига кўра, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни асоссиз равишда ЖК 209-моддаси билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши айбдор шахслар томонидан етказилган заарни тўлаган тақдирда ҳам озодликдан маҳрум

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006 2 жилдли Тошкент. Адолат.2006 Иккинчи жилд Б 171-172

²¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси-Тошкент. 2008-№3-Б.14

қилиш тариқасидаги жазони тайинланиши мүмкін. Бу эса, айбдор шахсларнинг етказилган зарарни тұламаслигига олиб келади. Ана шу мақсадда, юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ЖК 167-моддаси 2-қисмини "хұжжатларни қалбакилаштириш йўли билан" содир этғанлик учун жавобгарликни назарда тутувчи оғирлаштирувчи банд билан тўлдиришни таклиф қилган бўлар эдим.

1.3 Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олишнинг асосий чора-тадбирлари

Инсоният ўз ҳаётининг дастлабки босқичидаёқ жиноятчиликни бартараф этишни, фақат жазо тайинлаш билан амалга ошириб бўлмаслигини англаб етган. Шу боис, содир этилган жиноятга жазо тайинлашдан кўра унинг олдини олиш афзалроқ. Машхур олим Ч.Беккария ўзининг «Жиноят ва жазо» номли асарида таъкидлаганидек «жиноятнинг олдини олиш — ривожланган жамиятда ҳақиқий юриспруденциядир»²².

Криминология фанида жиноятчиликнинг олдини олиш деганда, жиноятчиликни, алоҳида турдаги жиноятларни ҳамда аниқ турдаги жиноятларни аниқдаб олиш, уларнинг содир этилишини камайтириш, уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф қилишга қаратилган, шунингдек шахсларнинг яшаш муҳити ёки хулқи жиноят йўлига ўтиб қолиши ёки жиноий фаолиятга қайтишига олиб келувчи шароитларни бартараф қилишга йўналтирилган давлат ва жамоат чора-тадбирлар тизимидир²³. Жиноятнинг олдини олиш ва жиноятчилик профилактикаси — жиноятчиликка қарши кураш олиб борадиган давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бевосита фуқароларнинг амалга оширадиган барча илмий ва амалий ҳаракатларининг асосий мақсадидир²⁴.

Ушбу тадқиқот ишимизнинг мақсади ҳам ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятини тергов қилиш муаммоларини ўрганиш орқали унинг олдини олишнинг илмий асосланган ва амалий жиҳатдан пухта ўйланган чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашиш, демакки унинг олдини олиш ҳам, аввало, республикамизда жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида ётади. Бугунги кунда давлатимиз томонидан ушбу соҳада олиб

²² Криминология: Учебник/Под.ред. акад. В.Н.Кудрявцева. М. 1997-С 103

²³ Собиров М.С Янги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг шаклланиши жараённида иктисодий жиноятчилик Т.2001-247-248 б.

²⁴ Зарипов З.с. Кержнер М. Профилактика правонарушений-Т. 1993-С 25

борилаётган ислоҳотлар, яъни жиноий жазоларни либераллаштириш ҳамда давлат бошқарувини, хусусан, хуқуқ-тартибот органларининг жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини тубдан янгилаш ва демократлаштириш, модернизация ва ислоҳ этиш асосий вазифа бўлиб турибди. Ушбу асосий вазифани бажаришдан мақсад жиноий жазоларни қўллашни кучайтириш эмас, балки жиноятчиликнинг олдини олишдир. Бу борада венгер олимни М. Вермеш айтганидек, жиноятчилик билан курашиш сиёсатида жиноятчиликнинг олдини олиш биринчи ўринни эгалashi ва қатъиятлик билан таъкидланиши керак²⁵. Агарда бундай бўлмаса, польшалик қriminolog Е. Бафия айтганидек, унда жиноий жазолар жиноятчиликка қарши курашда асосий восита қуролига айланиб қолади²⁶. Ҳар қандай жиноятни, айниқса, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олиш чораларини белгилашда, аввало, ушбу жиноятлар билан курашиш соҳасига таъсир этувчи омиллар, содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларининг келиб чиқишига ва жиноят натижасида келиб чиқувчи ижтимоий ҳавфли оқибатларни бартараф этишга алоида эътибор қаратиш зарур²⁷.

Олиб борилган тадқиқот жараёнида ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг кriminologik таҳлили ушбу жиноятнинг иқтисодиётда чуқур илдиз отганлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳам ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг олдини олишни дастлаб ижтимоий-иктисодий комплекс чора-тадбирларини кўриб чиқишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз аҳолиси турмуш тарзининг йилдан-йилга ўсиб бориши, аввало, бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган

²⁵ Вермеш Миклош. Основные проблемы криминологии-М 1978-С.223

²⁶ Бафия Ежи. Проблемы криминологии диалектика криминогенной ситуации-М-1983-С.57

²⁷ Абдурасулова К.Р.-Аёллар жиноятчилигининг жиноят хуқуқий ва криминологик муаммолари-Т.2005-56-57.6.

тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар самарасидир. Айнан ана шу ҳолатлар, бизнингча, умуман иқтисодий жиноятларни, колаверса, ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг олдини олиш асосини ташкил этади.

Ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг содир этилишига кўмаклашувчи ҳолатларни бартараф этиш мақсадида профилактика чора-тадбирлари қўйидаги ҳолатларга:

-қишлоқ ҳўжалиги, саноат ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турларини кескин пасайиб боришига;

-давлат секторидаги мулкларни хусусийлаштириш, бошқа йўллар билан қайта тақсимлаш, моддий бойликларни ишлаб чиқиш ва тақсимлаш, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини тўлаш жараёнига;

-хомашё ва тайёр маҳсулотларни сарф қилиш меъёрлари ва фойдаланиш нормаларининг тақсимланиш жараёнларига қаратилиши лозим.

Профилактик мақсадларда хукуматимизнинг республика иқтисодиётини ривожлантириш учун олиб бораётган чора-тадбирлардан самарали фойдаланиш зарур.

Ушбу йўналишда иқтисодий жиҳатдан ночор давлат ва хусусий сектордаги корхона, ташкилот, муассаса ва корпорацияларни аниқлаш, улардаги камчилик ва хатоларни бартараф этиш лозим. Шу боис, ушбу субъектларнинг тизими ва таркибини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Яъни, улар ўрнига кичик корхоналар, микрофирмалар. хорижий инвесторлар билан ишлайдиган қўшма корхоналар тузиш ва уларнинг хусусийлаштириш жараёнини имкон қадар тезлаштириш зарур. Ишлаб чиқаришни замонавий техника ва усқуналар билан таъминлаш, чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда янги типдаги ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларининг яратилишига олиб келади ва «ишлаб чиқариш деворларидан ташқари»да қолиб кетган пул-кредит тизими соҳасини яхши ва чукур

биладиган малакали ходимларнинг ўз ўринлариға қайтишига имкон яратади.

Хусусийлаштиришга белгиланган давлат секторидаги мулкларнинг аниқ рўйҳатини, хусусийлаштириладиган корхоналарнинг нарх-наво услубини, хусусийлаштириш жараёнида хорижий сармоялардан фойдаланиш шарт-шароитини, меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган жамоаларга биринчи навбатда ўзларининг манфаатини қондиришлари учун кафолат берилишини, фуқаролар орасида хусусийлаштириш ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда давлат мулкларини аниқ белгиланган тақсимлаш принципларини ҳамда хусусийлаштириш жараёнида бошқа суистеъмолликларни чегаралаб қуядиган чора-тадбирларни ўз ичига олган пухта ўйланган дастурни яратиш давлат секторидаги мулкларни хусусийлаштириш жараенида ғаразли интилишларнинг криминоген фаоллигини пасайтириш учун жиддий омил хисобланади.

Давлат ва хусусий секторда ҳўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлардан яна бири хомашё ва материаллардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда эскирган ёки юқори даражада сарф қилиш меъёрларидан фойдаланиб яратилаётганлигидир. Ортиқча маҳсулотларни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олиш учун, бизнингча, давлатнинг тегишли вазирлик ва қўмиталари томонидан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида хомашё ва материалларни сарф қилишнинг асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришдир. Улар томонидан ушбу ҳолатларни текшириш ва назорат қилиш жараёнларида олинган натижаларнинг хulosалари бўйича тегишли шаклдаги ҳўжалик ҳужжатлари ва идоравий норматив ҳужжатларни қабул қилиш зарур. Шунингдек, уларнинг жойларда ижроси бўйича ҳар бир ҳўжалик субъектларининг ушбу масалалар бўйича тегишли вазирлик ва қўмитапарга хисобот беришларини ташкил этиш лозим.

Юқоридаги ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлардан келиб чиқиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг олдини олишнинг самарали йўналиши, яъни субъектлар ўртасида моддий бойликлар ёки пул маблағларини кредитга олиш бўйича тузилаётган шартномапарда субъектларнинг мажбуриятни ўз вақтида бажармаганлиги учун моддий ёки юридик жавобгарликларга тортилиши ҳақидаги белгининг алоҳида банд килиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг аралашувисиз, томонлар жавобгарлик масаласини ўзлари келишиб олишлари, уларнинг иқтисодий эркинликларини таъминлайди. Лекин. шу билан бирга. хўжалик субъектларининг иш юритишини тартибга соладиган расмий ҳужжатлар устидан ҳам назорат тизимини такомиллаштириш зарур. Албатта, бундай назоратлар хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки юқори турувчи бошқарув тизимидағи орган томонидан тафтиш ўтказилиши ёхуд уларнинг кўрсатмаларига биноан мустақил аудит текширувини мустақил аудит билан шуғулланувчи муассасалар ёрдами (ҳамкорлиги)да амалга оширса бўлади. Бундай чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқариш жараёнида хомашё ва тайёр маҳсулотларнинг сифати ва сони устидан назорат олиб бориш, шунингдек товар-моддий бойликларни ишлатиш (сарф қилиш) меъёрларининг ҳақиқий миқдорини аниқлаб олишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан ортиқча маҳсулотларни талон-торож қилишнинг олдини олади.

Ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларининг олдини олишнинг энг муҳим иқтисодий чораларидан бири банк тизими фаолияти устидан назорат қилиш механизмларини етарли даражада ишлаб чиқишидир. Бугунги кунда ҳақиқатан ҳам банклар фаолияти хўжалик субъектлари, кичик бизнес, фермерлик ҳамда хусусий тадбиркорлик вакилларининг эътиrozига сабаб бўлмоқда. Чунки банк тизимида фаолият юритаётган айрим нопок ходимлар томонидан таниш-билиш асосида пул маблағларининг кредитга узоқ

муддатга берилиши ва натижада ушбу пулларнинг қаллоблик, ўзлаштириш ёки растрата қилиниши оқибатида жуда катта миқдордаги моддий заарларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат банк тизими фаолияти устидан етарлича назорат йўқлигидан далолатdir.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, банк тизимида куйидаги вазифалар амалга ошириш лозим:

-банклар мижозларга пул маблағларини кредитга бериш чоғида. уларни тегишли фоизлар билан қайтариб олиш имкониятини берувчи механизмларни яратиш;

-банк тизмида пул-кредит сиёсати мутаносиблигини таъмишшнинг замонавий воситалари, шунингдек бошқарув механизмларининг бозор ва монетар агрегатларидан фойдаланиш;

-банклар нақд ва нақд бўлмаган пул муомаласини тўлиқ унификации қилиш хисобига аҳоли ва бизнес вакилларининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

-банклар хўжалик субъектлари, кичик бизнес, фермерлик ҳамда хусусий тадбиркорлик вакилларига берилаётган пул кредит маблағлари тўғрисида кенг оммага мўлжаланган ахборотлар бериб туришини таъминлаш;

-банклар фаолиятида пул кредит бериш ва ўз вақтида тўлаш билан боғлиқ масалаларни хал этишга тўсиқ бўладиган ҳолатларни бартараф этиш.

Ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олишдаги ижтимоий-иктисодий умумий чора-тадбирлардан яна бири давлат томонидан хусусий сектордаги, қолаверса, бошқа мулкчилик шаклидаги корхона, муассаса, ташкилот, фирма, хўжалик юритувчи субъектларнинг тезкор-хўжалик фаолиятларига, давлат олдидағи мажбуриятларини бажариб бўлганларидан сўнг олинган даромад (фойда)дан эркин, ўз хохишича фойдаланишига аралашмасликнинг кафолатлатланиши муҳим ўрин тутади.

Шундай қилиб юқорида баён этилган ижтимоий-иқтисодий чоратадбирларнинг мунтазам равишда ва узлуксиз ҳолда амалга оширилиши, ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олишда самарали натижаларни беради.

Криминолог олимларнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар хуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ижтимоий-иқтисодий асоснй яратади²⁸, бироқ қонунга хилоф салбий ҳолатларни бартараф этиш ижтимоий-иқтисодий, бошқарув-гашкилий на маънавий-аҳлоқий хусусиятга эга чора-тадбирларнинг ўзаро баҳамжиҳатлигини талаб қиласди²⁹. Зеро, ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олишнинг ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларини мустақил равишда амалга ошириш мазкур жиноятни бартараф этиш ва келажакда бундай ҳолатлар юз беришининг олдини олишнинг самарадорлиги бошқа йўналишдаги чора-тадбирлар билан бир маромда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Шундай чора-тадбирларга ташкилий-бошқарув ва маънавий-аҳлоқий тарбия чора-тадбирлари киради.

Ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олишнинг ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари, биринчи навбатда, ҳўжалик юритувчи субъектларда (корхона, ташкилот, муассаса, жамоат ва ширкат ҳўжаликлари. корпорация, концерн ва бошқалар) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни устидан замонавий ва бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган ташкилий-ҳўжалик назоратини ташкил қилиш, улар асосида бошқарув назоратини амалга оширувчи органларнинг тегишли ваколатларини назарда тутувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Ҳўжалик фаолиятини бошқаришда иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган чет эл корхоналари ва корпорация бошқарув вакилларини жалб қилиб, келгусида

²⁸ Кузнецова Н.Ф. Проблемы криминологической детерминации-М.1984-С.109

²⁹ Исмаилов И. Криминологическая характеристика и профилактика хищений, совершаемых при закупке сельхозпродукции у населения Дис. канл юрид. наук. - М., 1991 -С. 62

уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш зарур. Ушбу чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда хизмат қўрсатиши билан бирга, келажакда бирор-бир иқтисодий жиноят, хусусан ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни содир этишга қарши кураш соҳасига таъсир этувчи омилларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслигига олиб келади. Бу эса ишлаб чиқаришда янги механизмлар яратилиши орқали амалга оширилади. Шу аснода эски бошқарув ва назорат қилиш тизимиға барҳам берилади.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши кураш олиб боришида профилактик самара берадиган чора-тадбирлар куйидагилар:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар устидан назорат қилиш;
- хўжалик-молия назорати;
- нарх-наво устидан маҳсус назорат қилиш органларига профессионал кадрларни танлаш ва тайёрлаш.

Хўжалик субъектлари кадрларни танлашни, аввало, бизнес ва тадбиркорликка қизиқадиган ишбилармон ёшлар орасидан излаши керак. Танлаб олинган ёшларни ўз хисобларидан республикамизнинг нуфузли иқтисодиёт ва бизнес йўналишидаги олий ўқув юртларида, керак бўлса, хорижий мамлакатларнинг ўқув даргоҳларида таҳсил олишларига моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак бериш орқали ўз кадрларини тайёрлашлари лозим.

Кадрларни танлаш ва тайёрлаш билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари ўзларининг фаолиятларини бошлаш ёки кенгайтириш чогида ишбилармон ҳамкорларни танлаш ва уларни текшириш муаммоларига дучор келишади. Фаолият юритиш жараёнида янги ҳамкорларни текшириш келгусида ўз мулкларини ҳимоя қилишга олиб келади. Албатта, нафақат янги ҳамкорларни текшириш шарт, балки катта миқдордаги шартнома ва битимларни тузишда одатий бўлиб қолган ҳамкорлар ва мижозларни текшириш ва қайта текшириш зарур. Чунки қўп

фирмаларнинг ҳолати давлатдаги иқтисодий ва сиёсий бекарорлик шароитида ўзгариши мумкин³⁰. Кўриниб турибдики, юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳамкор ва кадрларни танлашда ўта масъулият билан ёндашишлари талаб қилинади.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятигининг самарали олдини олиш чора-тадбирларидан бири бу хукуқ ижодкорлиги фаолиятидир. Хукуқ ижодкорлиги билан бевосита ва билвосита шуғулланаётган субъектлар бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик субъектларининг фаолиятини ўрганиш бўйича маҳсус чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим. Қонунчилик органи хисобланмиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатлари тегишли вазирлик ва давлат қўмиталари билан биргаликда ҳўжалик субъектлари амалиётининг талабларини ўрганиб чиқиб, тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларини қабул қилиш масалаларини хал этишлари шарт. Ҳўжалик субъектлари фаолиятини ҳуқукий жиҳатдан такомиллаштириш жараёнида қонунчилик базасини яратиш, янги қонунларни ижод қилиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш, авваламбор, ҳўжалик субъектларининг манфаатидан келиб чиқсан ҳолда, амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, бу борада қабул қилинган қонун ва қарорларни ўз вақтида жойларга етказиш, кенг тушунтириш ва таргибот ишларини олиб бориш ҳамда кечиктирмасдан ҳаётга жорий этиш учун керакли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бозор иқтисодиётини такомиллаштириш ва янада чукурлаштириш жараёнида аҳолининг ҳуқукий саводхонлигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда ўта муҳим масала хисобланади. Шу боис, аҳолининг ҳўжалик фаолияти билан бевосита шуғулланаётган қатламиининг ҳуқукий онгини ошириш мураккаб ва узоқ давом этувчи жараёндир. Уни татбиқ этишда, аввало, мактаблар, олий ўкув юртларида таълим олаётган ёшларга

³⁰ Дзлиев М.И. Рынок и насилие. Пособие для руководителей силовых и охранных структур, служб безопасности и предпринемателей - М . 1999 —С 115

бозор иқтисодиёти қонуниятларини ўргатиш билан бирга хўжалик фаолиятини тартибга соладиган ва у билан шуғулланиш учун ваколат берадиган норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг маъно-мазмунини тушунтириб бориш зарур. Ёшларимизнинг ҳуқуқий иқтисодий саводхонлигига жиддий эътибор бериш мақсадида, ҳар бир билим юртида хўжалик юритиш фаолияти юзасидан вужудга келадиган муносабатларни тартибга соладиган ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайдиган ҳуқук фанларини (масалан, фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик-процессуал ҳуқуқи, коорпоратив ҳуқук, иқтисодий-процессуал ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва бошқалар) ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки қайси корхона, ташкилот ва муассаса бўлишидан қатъий назар, ундаги хўжалик юритувчи ходим ёки мансабдор шахс ўз ваколат доирасида турли ҳуқуқий битим ва шартномалар тузишига тўғри келади. Жиноятни содир этишга мойил бўлган шахслар орасида ҳуқуқий таргиботни олиб бориш муайян маънода профилактик ва тарбиявий таъсир чораси сифатида ёрдам бериши мумкин. Ҳуқуқий норма шахсларнинг онгида тўлиқ ва кенг феноменал доирада бўлмаслиги ҳам мумкин, лёкин уларни хулқ-атворининг мотивацион чизиги ва жамиятда юриш-туриш ҳаракатларини ўзгартириши натижасида амалга ошираётган ҳаракатларини баҳолашга унданб, «тўсиқ» сифатида намоён бўлади³¹.

Ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг умумижтимоий олдини олиш чора-тадбирларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, маънавий-аҳлоқий тарбия чоралари хисобланади. Мазкур турдаги чора-тадбирлар шахснинг маънавий-аҳлоқий камчиликларини бартараф этишга қаратилган. Шахснинг жамиятда ўз ўрнини топа олмаслиги, аҳлоқан теран эмаслиги уни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этиш. ғайриаҳлоқий йўналишига сабаб бўлади. Бу эса шахсда ғаразли мотивацияни, яъни ўзгалар хисобидан бойиш туйғуларини уйғотади. Бу борада И.Исмаилов ҳақдир, ғаразли жиноятларни содир

³¹ Абдусаломов М.. Каракетов Ю. Ответственность за вымогательство. — Г , 1997. — С 396

етишида шахснинг аҳлоқий бузилиш жараёни: талаб ва истаклар, қараш ва қимматли йўналишларнинг издан чиқиши сабаб бўлади³². Чунки айнан шу ҳолат келажакда хуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этишида намоён бўлади. Фаразли жиноятларни, шу билан бирга, мазкур кўриб чиқилаётган талон-торож қилишнинг дастлабки профилактикаси ғайриижтимоий мотивацияни ва унинг хуқуқка хилоф ҳулқ-авторида амалга ошишини ривожлантириш ва вужудга келишига таъсир этадиган, ижобий хусусият ва сифатларни шакллантириш мақсадида камолга етаётган ёшларнинг тарбия ва турмуш тарзини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутади.

Ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш умумижтимоий олдини олиш билан бир қаторда, уларнинг олдини олишда маҳсус чора-тадбирлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Биринчи навбатда шуни таъкидлаш керакки, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг маҳсус олдини олиш чора-тадбирлари умумижтимоий профилактик чораларга асосланади. Шу билан бирга, умумижтимоий тизимости профилактикаси ўзининг муайян қисми жиноят ва хуқуқбузарликларга қарши бевосита курашишга қаратилган бўлса, унда у маҳсус профилактиканинг тизимостига киради³³.

Бугунги кунда, жамиятимизда бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган ва амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бир қанча ютуқларга эришиш билан бирга, иқтисодиётда салбий жараёнлар ва ҳодисалар билан боғлиқ карама-қарши ҳолатларнинг вужудга келаётганлигини инобатга олган ҳолда, жиноятларни, хусусан ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олишнинг маҳсус-криминологик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш

³² Исмаилов И. Криминологическая характеристика и профилактика хищений, совершаемых при закупке сельхозпродукции у населения: Дис. ... канд. юрид. наук – М-1991.-С. 68

³³ Алексеев А И . Кузнецова Н Ф Профилактика правонарушений в Москве. В.кн Управление социально-экономическими процессами в Московском регионе. -- М-. 1987. - С 27

ва уни амалга ошириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олдида тўрган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини олишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ушбу жиноятлар профилактикасини амалга ошириш хисобланади. Ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишдан ҳимоя қилишда давлат аппаратининг бир бўғини сифатида ички ишлар органларининг фаолияти: ушбу фаолият йўналишларининг маҳсуслиги. унинг мазмуни, ички ишлар органларининг турли хизмат ва бўлимларининг ишини ташкил этиш, бу борадаги шакл ва услубларга боғлиқ бўлган муайян ҳусусиятларга эгадир. Бугунги кунда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари олдида турган вазифалар қўйидагилардан иборат:

-профилактик фаолиятни мақсадга йўналтирилган ҳолда режалаштириш;

-хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи томонидан мазкур турдаги жиноятларни олдини олишни ташкил этишининг ижобий тажрибаларини ўрганиш ва уларни ўз фаолиятларига татбиқ этиш;

-алоҳида профилактик чоралар билан чекланмасдан, профилактик чора-тадбирларнинг тизимини ташкиллаштириш;

-давлат ҳокимиятининг бошқа (суд, ҳокимият хузуридаги молия бўлими, назорат тафтиш гурӯҳи ва бошқалар) органлари билан ҳамкорликда профилактик чора-тадбирларни олиб бориш;

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ички (бўлим ва хизматлар ўртасидаги) ҳамкорликни ўрнатиш;

-бозор иқтисодиёти шароитида тизим билан бирга профилактика қилишнинг сифатли қайта ташкил этилишига тайёр туриш.

Тезкор-қидирув, суриштирув ва тергов органлари томонидан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг олдини

олишнинг самарали йўналишларидан бири мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олиш жараёнини таъминлашда зарур бўладиган ахборотларни йигиш ва таҳлил қилиш хисобланади. Тергов хизматлари профилактиканинг ушбу йўналиш бўйича мулкий жиноятларга қарши қураш олиб борадиган тезкор-кидирув ҳамда ўзлаштириш ёки растрата қилиш жинояти содир этилиши мумкин бўлган бюджет ташкилотлари, корхона ва муассасаларда ҳўжалик хисобидан хизмат ўтаётган қўриқлаш бўлимининг ходимлари билан бевосита ҳамкорликда дастлабки ахборотлардан тезда хабардор бўлиш орқали жиноятни “иссиқ изидан” очиш муваффақиятига эришади.

Шу билан бирга тезкор-кидирув, суриштирув ва тергов органлари профилактик фаолиятини такомиллаштириш учун зарур устувор йўналишларни аниқлаш мақсадида, улар томонидан олинадиган ва тўпланадиган мазкур турдаги жиноятлар тўғрисидаги ахборотларни таснифланиши, муентазам равишда умумлаштирилиши на муайян даврлар бўйича таққослаб борилиши керак. Охирги йилларда ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятларининг янги усуллари, жумладан, қурилиш, давлат харидлари, банк кредитлари билан боғлиқ жиноий операциялар, яъни нақд бўлмаган пул маблағларини нақд пулларга турли найранглар асосида айлантириш ва бевосита банклар томонидан таъсис этилган филиалларига турли хорижий шартномалар асосида пул маблағларини била туриб олдиндан тўлаш йўллари, шунингдек, компьютер техникаси воситасидан фойдаланиш орқали катта миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириш каби жиноятлар фош этилмоқда. Шу боис, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар профилактик чора-тадбирлари айнан шу йўналишларга ҳам қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай килиб, кўриб чиқилаётган жиноятларнинг олдини олишда ахборотларни олиш, қайта ишлаш, саклаш ва уларни таҳлил қилиш усулларини, шунингдек уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, илмий-назарий билимлар билан бойитиш, бу соҳада янги замонавий технологияларни жадаллик билан қўллаш талаб этилади.

Миллий гвардиянинг қўриқлаш бўлими фаолияти ҳам ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятларининг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Мулк шаклидан қатъий назар, корхона, ташкилот, муассаса ва фирмаларнинг ҳудудларини қўриқлаш бўйича хизматга тушадиган ходимлар нафақат майда ташмачилик, балки кўп ва жуда кўп миқдорда ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг олдини олишда ушбу объектлардан ташқарига олиб чиқилаётган барча товар-моддий бойликларнинг юк хатларини изчил текшириб, йўналиш маршрутларини аниқлаб чиқаришлари лозим. Мазкур хизматнинг профилактик фаолиятини такомиллаштиришда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим: қўриқлаш объектининг ҳудудидаги барча чиқиш жойларида кечаю кундуз кузатув олиб борадиган замонаний техник воситалар билан таъминлаш; қўриқлаш марказдан туриб бевосита компьютер воситаси орқали назоратни амалга ошириш; турли корхоиа, муассаса ва ташкилотларда ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятларининг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини жадаллаштириш.

2-боб. Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятларининг суриштирув ва дастлабки терговини ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш

2.1 Ўзлаштириш ва растрата қилиш жинояти юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш тартиби.

Жиноий ишни қўзғатишнинг ўз вақтида ўтказилиши ва асосланганлиги кўпроқ жиноий ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилишдан олдин ўтказиладиган материалларнинг дастлабки текширувига боғлиқ.

Шу билан айтиб ўтиш жоизки жиноят ҳақидаги бирламчи материалларни текширувдан ўтказиш бўйича келиб чиқиши мумкин бўлган процессуал масалалар тўлароқ ҳолда Н.В.Жогин, Р.Д.Рахунов, В.В.Степанов, М.С.Строгович, Ф.Н.Фаткуллинлар томонидан бу фаолиятнинг криминал (жиноий) жиҳатлари эса В.Е.Карноухов ва В.В.Степанов ҳаммуаллифлигига кўриб чиқилган.

Шундай қилиб, В.В.Степановнинг айтишича авваллари қонуности актларида ва хуқуқий адабиётда аризалар ва жиноят тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш бўйича фаолият ҳар хил номланган: «терговгача бўлган текширув», «бирламчи текширув», «текширув ҳаракатлари», «текширув», «дастлабки текширув», «махсус текширув, тергов».³⁴. Муаллиф юқоридаги фаолият терговдан олдин бўлишини ва жиноий иш қўзғатиш тўғрисидаги қатъий қарордан аввал амалга оширилишини ҳисобга олиб қўрсатиб ўтилган терминлар орасида энг тўғриси «дастлабки текширув» деб таъкидлайди.³⁵ В.В. Степановнинг фикрича, жиноят тўғрисидаги хабарлар ва аризаларнинг дастлабки текшируви – бу жиноий процессуал қонуни бўйича ваколатли шахсларнинг жиноий иш қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш ёки бошқа чоралар кўриш учун ўз вақтида

³⁴ Степанов, В.В. Предварительная проверка первичных материалов о преступлениях/ В.В. Степанов. - Саратов, 1972. - С. 9-10.

³⁵ Уша жойда В.В. Предварительная проверка первичных материалов о преступлениях/ В.В. Степанов. - Саратов, 1972 С. 10.

ва асосланган жиноят ва бошқа ҳолатлар аломатларини аниқлашга қаратилған фаолиятидир.³⁶.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 39¹, 39²-моддаларида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари келтириб ўтилган бўлиб, мазкур органлар мансабдор шахслари жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилингандарни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириши шартлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, ўрганилаётган жиноят иши қўзғатишдан олдинги босқичда терговчи шахсан ўзи жиноят иши қўзғатиш ёки жиноят иши қўзғатиши рад қилиш юзасидан зарур далилларни тўплаш ва қарор қабул ваколати белгилаб қўйилган.

Таъкидлашимиз жоизки, аксарият ҳолларда ўзлаштириш ва растрата қилиш билан боғлиқ бўлган жиноий ишлар тафтиш ёки хатлов материаллари ёхуд хизмат текширувлари асосларида қўзғатилади, шунинг учун терговчи уларни жиноий иш қўзғатиш учун асосларни аниқлаш мақсадида ўрганиб чиқади. Шу муносабат билан жиноят ҳақидаги бирламчи материалларни таҳлил қилиш йўналишларини кўриб чиқиш зарур.

Ушбу масалалар В.Е.Корноухов томонидан батафсил ўрганилган. У томонидан ҳужжатлар бўйича товар-моддий бойликлар ҳаракати таҳлили учун қачон тафтиш қилиш бўйича, уни бажаришгача хатлов ўтказиш тўғрисида умумий тавсиялар берилган ва шунингдек хатловни дастлабки текширув чоғида режали текширув билан бир пайтда, баъзи ҳолатларда эса товар-моддий бойликларнинг алоҳида тоифаларини мавжудлигини

³⁶ Ўша жойда Степанов, В.В. Предварительная проверка первичных материалов о преступлениях/ В.В. Степанов. - Саратов, 1972. - С. 11.

текшириш мақсадида умумий тарзда эмас, балки танлаш методи билан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланган³⁷.

Олим томонидан тафтиш материалларини ўрганишда терговчи томонидан аниқланиши лозим бўлган уч гурух масалалар кўрсатиб ўтилган:

-тафтиш ўтказилиш тартиби, бухгалтерия хужжатларини ўрганишдаги методлар(усуллар);

-тафтиш далолатномаларини ҳам шакли, ҳам уларнинг мазмуни нуқтаи назаридан ўрганиш;

-тафтиш далолатномаларида кўрсатилган фактларга ишончлилик нуқтаи назаридан ва жиноят аломатларини кўрсатган ҳолда баҳо бериш.

В.Е.Корноухов томонидан хатлов материалларини терговчи томонидан таҳлил қилиш бўйича уч йўналиш ўрганилган ва шакллантирилган:

-хатлов ўтказиш тўғрилигини текшириш;

-камомад ёки (ва) ортиқчаликнинг ишончлилигини аниқлаш;

-жиноят аломатларига кўрсатувчи фактларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган камомад ёки ортиқчаликнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш³⁸.

Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилганидек, жиноят ишлари идоравий текширувлар материалларида кўрсатилган фактлар асосида қўзғатилади.

Жиноят ҳақидаги материаллар таҳлили ва уларни ўрганиш жиноят иши қўзғатиш учун асосни аниқлаш учун йўналтирилади.

Шундай қилиб, ўз пайтида Р.С. Белкин айтганидек қонун жиноят иши қўзғатишини ва жиноят аломатларини аниқлашнинг барча кейинги

³⁷ Курс криминалистика. Особенная частью Т.1.Методика расследования насильтвенных и користно-насильтвенных преступлений/отв.ред.В.Е.Корноухов-М.Юристъ,2001 ст 13-17

³⁸Курс криминалистики. Особенная часть. Т. 1. Методики расследования насильтвенных и користнонасильтвенных преступлений / отв. ред. В.Е. Корноухов. - М.: Юристъ, 2001. -с.20; Курс криминалистики. Особенная часть. Т. 2. / В.Е. Корноухов [и др.]; отв. ред. В.Е. Корноухов. - М.: Юристъ, 2004. - с. 29-33.

ҳаракатларни боғлайди³⁹.

Криминал илмий адабиётда «жиноят аломати» тушунчаси жиноий-хуқуқий тушунишдагидан кўра фарқли маъно касб этган. Криминалистикадаги жиноят аломатлари тушунчаси билан боғлиқ масалалар В.А.Образцов томонидан 1988 йилда ўрганилган. Олим 1972 йилда биринчи бўлиб жиноятнинг криминалистик аломатлари таърифи шакллантирган, жиноят аломатлари деб жиноят изини таклиф қилган Г.А.Густов ва В.Г.Танасевичларнинг ва жиноий фаолият аломатларига жиноят оқибатларини киритган И.Ф. Пантелеевнинг фикрларини келтириб ўтган⁴⁰.

В.А. Образцовнинг ўзи «жиноят аломатлари» деган ўз тушунчаси таърифини келтирмаган, бироқ олимлар келтирган далил-исботлар етарли эмас деб ҳисоблади ва мантиқ ва семиотикада аломат фақатгина кўрсаткич эмас, балки предмет ёки ҳодисанинг бир томони деб ва шу муносабат билан жиноятни инсоннинг ижтимоий аҳамиятли фаолияти деб қарашни таклиф қилди⁴¹.

Бизнинг фикримизча бу ерда айтиш жоизки, криминалистика фанининг элементларидан бири бу жиноий фаолиятни акс этиш қонуниятларидир. Шубҳасиз жиноий фаолият соҳасига қараб (маиший, ишлаб чиқариш, хўжалик ва бошқалар) вазият ва ҳужжатларда ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келади, яъни жиноий оқибатларни юзага келтиради.

Бу ўзгаришларни англаш эса из намунасини ва жиноий оқибатни ўрганиш орқали юзага келади. Шунинг асосида дастлабки текширув чоғида терговчи дуч келган ҳодиса жиноят ёки жиноят эмаслиги тўғрисида у ёки бу фаолият натижаларида жиноят аломатларининг из намунасини ўрганиш орқали мантиқий хulosага келиш мумкин. Чунончи, жиноят аломатини

³⁹ Белкин, Р.С. Курс советской криминалистики. Т. 3. Криминалистические средства, приемы и рекомендации / Р.С.. - М.: Академия МВД СССР, 1979. - с. 264.

⁴⁰ Образцов, В.А, Криминалистическая классификация преступлений / - Красноярск: Изд-во Краснояр. ун-та, 1988,-с. 73-74.

⁴¹Ўша жойда Образцов, В.А, Криминалистическая классификация преступлений / - Красноярск: Изд-во Краснояр. ун-та, 1988 С. 77,

криминалистик тушунча бўйича из тушунчасига алоқадор қилиш мумкин. В.В.Степановнинг фикрича, жиноий иш қўзғатиш учун асос бўлиб шахснинг ҳаракатларида хуқуқий жиноят таркиби бор деган баёнот жиноий ишларни қўзғатиш амалиётига мос келмайди⁴². Аслида жиноий иш қўзғатиш пайтида жиноятни содир қилган шахс (жиноят субъекти) кўп ҳолларда ҳали номаълум. Жиноятга ундан сабаблар, шунингдек жиноят содир қилган шахснинг мақсадлари ҳали аниқланмаган бўлади. Жиноятнинг субъектив сабаблари бирламчи материалларнинг текшируви чоғида эмас, балки тергов жараёнида аниқланади, шу пайтда текширув ўтказаётган мансабдор шахсларнинг дикқати жиноят таркибининг объектив элементларини, жиноят объекти ва мос равишда жиноий тажовуз объектларини тавсифловчи жамоат учун хавфлилик даражаси ва ҳаракатларнинг ноқонунийлигига қаратилади.

«Жиноят аломатлари, - деб ёзган Р.С. Белкин, - жиноят таркибининг ҳар қандай элементига тегишли бўлиши мумкин, лекин одатда уларни жиноятни содир қилиш ва уни яшириш усулига киритишади»⁴³, бу эса, бизнинг фикримизча унчалик тўғри эмас. Бизнингча, ўтказилган таҳлил асосида жиноий иш қўзғатиш учун етарли асоснинг бўлиши деб жиноят таркибининг объектив томонларининг алоҳида элементларини тавсифловчи фактлар ҳақидаги маълумотларнинг шундай ҳажмини тушуниш керак деган олимларнинг фикрларига тўла қўшилмоқ мақсадга мувофиқ бўлади. Бу амалга оширилган таҳлил асосида, у жиноят ишини қўзғатиш учун асослар етарлилик жиноят объектив томони айrim элементларини тавсифловчи фактлар ҳақида маълумот ҳажми сифатида тушуниш керак⁴⁴.

⁴² Степанов В.В. Предварительная проверка первичных материалов о преступлениях/ В.В. Степанов. - Саратов, 1972 С. 51.

⁴³ Белкин, Р.С. Курс советской криминалистики. Т. 3. Криминалистические средства, приемы и рекомендации / Р.С. Белкин. - М.: Академия МВД СССР, 1979. - с. 264.

³⁹Курс криминалистики. Особенная часть. Т. 1. Методики расследования насильственных и корыстнонасильственных преступлений / отв. ред. В.Е. Корноухоа. - М.: Юристъ, 2001. - с. 17;

Кўриниб турибиди, жиноят жиноят аломатларида ифодаланадиган хусусиятларга эга.⁴⁵ Жиноий фаолиятнинг акс этиши из намунасида намоён бўлади, уни ўрганиш эса жиноят аломатларини аниқлашга хизмат қиласди.

Жиноят тўғрисидаги бирламчи материалларнинг дастлабки текшируви предметини кўриб чиқиб кўрсатиб ўтилган фактларнинг текшириш учун ва жиноят аломатларини кўрсатувчи фактлар тўғрисида кўшимча маълумотлар олиш учун қилинган ҳаракатлар таҳлилига мурожаат қиласми.

Умуман олганда олимлар бирламчи материалларни дастлабки текшируви услубларини уч гурухга ажратадилар: процессуал ҳаракатлар, тезкор-қидириув тадбирлари ва Жиноят процессуал қонунчиликда кўзда тутилмаган ҳаракатлар.⁴⁶

Терговга қадар текширув тезкор-қидириув материаллари асоссида ҳам ўтказилиши мумкин. Ю.А.Стяжкиннинг этишича тезкор-қидириув фаолиятнинг натижаларини дастлабки тергов босқичида у ёки бу ахборот манбаларини аниқлаш мумкин бўлган пайтда ишлатилиши, ахборотнинг ҳақиқийлигини, холислигини ва ишончлилигини исбот қилиш ва ахборотнинг мазмунини бошқа тергов ёки суд ҳаракатлари чоғида аниқлаш, шунингдек суд экспертиза ўтказишда қайта текшириш мумкин⁴⁷.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 81-моддаси З-қисмига асосан Қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидириув тадбирларининг натижалари ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг жиноят иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши мумкинлиги белгиланган.

⁴⁰Қаранг.: Белкин, Р.С. Курс советской криминалистики. Т.2. Частные криминалистические теории / Р.С. Белкин. - М.: Академия МВД СССР, 1978. - с. 61; Белкин, Р.С. Курс криминалистики: в 3 т. Т. 2. Частные криминалистические теории / Р.С. Белкин. - М.: Юристъ, 1997.-е. 84).

⁴¹Курс криминалистики. Особенная часть. Т. 1. Методики расследования насильственных и корыстно-насильственных преступлений/отв. ред. В.Е. Корноухов. - М.: Юристъ, 2001. - С. 18.

⁴⁷ Стяжкин, Ю.А. Некоторые актуальные вопросы использования и легализации органами предварительного следствия и суда результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании / Ю.А. Стяжкин // Российский следователь. -2006. -№ 4. - С. 38-43.

Ўзлаштириш ва растрата тўғрисидаги бирламчи материалларнинг текшириш усуллари ҳақида гапирганда, улар юқорида таъкидланганидек, бошланғич тергов вазиятлари билан тўғрима-тўғри боғлиқликда бўлишади.

Шундай қилиб, агар содир қилинган жиноят аломатлари ҳақидаги маълумотлар зарар кўрган ташкилотнинг унда товар-моддий бойликларнинг хужжатли тафтиш ёки хатлов ўтказилгандан кейин олинган бўлса, шундай вазият юзага келадики, бунда талон-торожга даҳлдор кимсалар уларнинг хўжалик фаолиятининг текшируви олиб борилаётганликлари тўғрисида биладилар, терговчига тушунтириш бериш учун чақирилишини кутадилар ва олдиндан ўзларининг ҳимоя чизиқларини танлаб бўладилар ва тахмин қилинган саволларга жавоб беришни режалаштирадилар. Бундай ҳолда текширув очик тарзда кечади. Ташкилот раҳбари томонидан берилган аризага ўтказилган хизмат текшируви материаллари, хатлов ёки тафтиш материаллари илова қилинади. Кўрсатилган материаллар дастлабки текширув ўтказаётган терговчи томонидан жиноят аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳолати ўрганилади. Терговчи уни қизиқтирган масалаларга ойдинлик киритиш учун корхона мансабдор шахсларини сўроқ қилишга ҳақли.

Содир қилинган ўзлаштириш ёки растрата аломатлари тўғрисидаги маълумотлар тезкор-қидирув фаолият натижасида олинган бўлган тақдирда терговчига иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаменти ходимлари томонидан ташкилот ходимларининг жиноий хўжалик фаолиятини хужжатлаштириш бўйича олиб борган тезкор-қидирув тадбирлари чоғида топилган материаллари келиб тушади. Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш департаменти ходимларининг жиноят аломатларини аниқлаш тўғрисидаги билдиргисига ташкилотнинг ўтказилган молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ёки тафтиш қилиш материаллари илова қилиниши мумкин (дастлабки текширув очик ва пинҳона усулларни бирлаштиради). Агар бундай текширувлар ёки тафтиш ўтказилмаган бўлса терговчи ташкилотдан хужжатли текширув ёки тафтиш ўтказилишини (танлаш

усулида ёки ёппасига) талаб қилиши ва бунда мутахассисларни жалб қилиши мумкин, шунингдек ташкилотнинг мансабдор шахсларини сўроқ қилиши ва текширув ёки тафтиш ўтказаётган мутахассислардан тушунтиришлар талаб қилиши мумкин.

Ваколатли органга келиб тушган материалларда жиноят қилган шахс тўғрисида маълумотлар мавжудлигига қараб, бизнинг фикримизча, жиноятни содир қилган шахс маълум ва унинг ўзлаштириш ёки растратага алоқадорлиги ҳақидаги маълумотлар жиноий иш қўзғатиш учун етарли бўлган вазиятни, шунингдек жиноятни содир этган шахслар доираси маълум, лекин жиноят иши қўзғатиш учун керакли маълумотларнинг етарли эмаслиги ва дастлабки текширув ўтказиши талаб қилинадиган вазиятни ажратиб кўрсатиш асосли кўринади. Биринчи вазиятда агар тўпланган материалларда жиноят таркиби ёки ҳодиса тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлса дастлабки текширув ўтказиши мажбур эмас ва жиноий иш дарҳол қўзғатилиши мумкин.

Агар тақдим этилган материаллар жиноят ҳодисасини мавжудлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон берса ва жиноятга алоқадор шахсларнинг қандайдир доираси маълум бўлса, лекин жиноят таркибининг алоҳида элементлари шубҳа туғдирадиган бўлса, мажбурий дастлабки текшируv талаб қилинади.

Шунингдек, агар ўтказилган текшируv ёки тафтиш натижасида ташкилотдаги ходимларнинг жиноий фаолиятининг қандайдир бир эпизоди аниқланадиган бўлса, унда ташкилотнинг бутун фаолияти текшируvдан ўтказилишини айтиб ўтишимиз лозим. Текшируv ўтказилаётган пайтда тўпланган материалларнинг тўлалиги жиноят ҳодисаси ҳақидаги тахминлар илгари сурилишига, тергов вазиятининг бошланғич таҳлили маҳсулдорлигига таъсир кўрсатади.

Жиноят тўғрисидаги аризаларга ўрганилган жиноий ишлар бўйича ташкилот ва корхоналар раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган товар–моддий бойликларнинг хатлови ёки молиявий-хўжалик фаолиятининг

хужжатли тафтиши материаллари; ишга қабул қилиш, у ёки бу жавобгар шахснинг лавозимлар бўйича ҳаракати, ишдан бўшаши тўғрисидаги буйруқларнинг тасдиқланган нусҳалари; моддий жавобгар шахсларнинг хизмат мажбуриятлари йўриқномасини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқлар нусҳалари; ўтказилган хизмат ва идоравий текширувлар материаллари ва хulosалари; бирламчи бухгалтерия хужжатлари нусҳалари (счёт-фактура, тўлов топшириклари, кирим ва чиким касса ордерлари, товар-моддий бойликларни олиш учун бериладиган юк хатлар, квитанциялар); ветеринар гувоҳномалари нусҳалари; шунингдек, жиноий иш материаллари нусҳалари, бундан баъзи шахсларнинг жиноий фаолиятини хужжатлаштириш бўйича тезкор-қидирав тадбирлари ўтказилгандаги синов харид қилиш материаллари ва жиноий иш ажратилди.

Бирламчи материалларни дастлабки текшируви чоғида одатда жиноят қилган шахс (ёки шахслар доираси) тўғрисида етарли маълумот бўлишини айтиб ўтиш мантиққа тўғри келади. Бу материалларда маълум бир мулк ишониб топширилган тахмин қилинаётган жиноятчи сифатида кўрилаётган ташкилот ходими тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлади ва корхона ёки ташкилот раҳбарияти томонидан кўп ҳолларда жиноят тўғрисидаги ариза билан биргаликда хуқуқ тартибот органига унинг лавозимга тайинланиши ҳақидаги буйруқ нусҳаси, унинг лавозим мажбуриятларини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, ишониб топширилган мулқдан фойдаланиш ва эгалик қилиш бўйича маҳсус топшириклар ёки шарномавий мажбуриятларини тасдиқловчи бошқа хужжатлар тақдим қилинади. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, жиноят иши қўзғатиш учун етарли асос қилиб жиноят таркибининг объектив томонларининг алоҳида элементларини тавсифловчи фактлар ҳажми тушунилади ва материалларнинг дастлабки текшируви босқичида жиноят субъективини аниқлашга ва бу босқични терговга айлантирадиган субъектив томонларига ортиқча диққат қаратилмаслиги лозим, бу эса жиноят процессуал қонунчилигига белгиланган процессуал муддатларнинг бузилишига олиб

келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига асосан жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари прокурорга юборилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Ушбу муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча хужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтуб ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қўйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

- 1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиласидиган экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;
- 2) олис жойларда бўлган ёки чақиравга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

4) етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Жиноят кодекси Maxsus қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса.

2.2 Жиноят иши қўзғатиш ва терговни режалаштириш

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 321-моддасига асосан Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт. Жиноят иши қўзғатиш учун қўйидагилар асос бўлади:

- 1) шахсларнинг аризалари;
- 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
- 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниqlashi;
- 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади.

Мазкур кодекснинг 325-моддаси 2-қисмига асосан Жиноят кодексининг 167-моддасида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулқдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилади. Ушбу Кодекснинг 322-моддасида назарда тутилган сабаб ва асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси қарор чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддси 6-қисмига асосан Жиноят кодексининг 167-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади. Яъни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 344-моддасига кўра, дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин.

Ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари бўйича тушган материалларни терговчи ўз юритувига қабул қиласр экан, бевосита шу ишда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиб тергов ҳаракатларининг бошланғич тайёрлаш ҳамда ташкилий чораларини ўтказиш режасини тузади.

Тайёрлов босқичи режаси терговчи томонидан ишни кўргунга қадар тузилади ва қуйидагиларни аниқлаш мақсад қилиб қўйилади.

а) талон-торож содир бўлган жойни, яъни муассаса, ташкилот ёки корхонанинг ишлаш шароити билан танишади, шу билан биргаликда, ўша муассаса, ташкилот, корхона маҳсулот билан таъминлаб турадиган ёки шу корхоналарни тайёр маҳсулотлари қайси ташкилот орқали реализация қилинганлиги ҳисобга олиниб, бу корхоналарнинг ишлаш шароити билан ҳам танишади;

б) ўша ташкилот ёки корхонанинг ҳисоб-китоб ҳамда хужжатлар тизимини ўрганади, шу билан биргаликда баъзи бир бўлим, цех ўртасидаги биргалашиб қилинадиган ҳаракатни аниқлайди;

в) гумон қилинаётган мансабдор шахслар тўғрисида маълумотлар тўплайди, бу маълумотлар ўз ичига ўша гумон қилинаётган шахсларнинг яқин алоқалари, таниш-билишлари, яшаш жойлари, мулкий аҳволи (автомашинаси, қимматбаҳо буюмлари, дачаси бор ёки йўқлиги) каби факторларни ўз ичига олади;

г) жиноий йўл билан талон-торож қилинган мулк яширилиши мумкин бўлган жой аниқланади.

Ташкилий чораларни қўриш босқичи тергов ҳаракатларини бошланғич даврини тўғри ташкил қилишни таъминлайди, бу давр эса ўз мобайнида иш учун зарур бўлган далилларни тўплашда ва улардан унумли фойдаланишда хизмат қиласди.

Терговнинг бошланғич босқичида бир қатор ташкилий чоратадбирлар ўтказиш зарурияти туғилади, булар инвентаризация, тафтиш ва шунга ўхшаш текширишлар ҳисобланади.

Инвентаризация ва тафтиш материалларига кўра дастлабки тергов ҳаракатини бошланғич босқичини ўтказиш қўйидагиларни ўз ичига олади;

- текшириш давомида камомад ёки ортиқча маҳсулот чиққанлиги сабаблари ҳақида мансабдор шахс сўроқ қилинади;
- инвентаризацияда иштирок этган тафтишчилар ва ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланадиган шахслар сўроқ қилинади;
- жиноят иши учун керакли ҳужжатлар олинади ва кўриб чиқилади.

Шунинг учун ҳам ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти юзасидан муваффақиятли тергов олиб боришининг шартларидан бири терговни режалаштириш бўлиб ҳисобланади. Терговни режалаштириш тергов жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилишга катта ёрдам беради, воеа ҳолатини объектив, тез, тўла ва ҳар томонлама ўрнатиш, шунингдек жиноятчини қидириш ва уни фош қилишда катта аҳамиятга эгадир. Бу маълумотлар процессуал ҳамда тезкор-қидирув йўли билан тўпланган бўлиши мумкин. Тезкор-қидирув йўли билан тўпланган материаллар, иш бўйича далил кучига эга эмас. Лекин улардан терговчи режалаштириш ва тактик масалаларни ҳал қилишда фойдаланиши мумкин.

Фактик маълумотлар мажмуасининг тўлалиги ва мазмунига қараб, терговчи тергов вазифаларини аниқлайди, версиялар тузади, уларнинг текшириш йўллари ва усулларини белгилайди.

Терговнинг дастлабки вақтида жиноят изини ўзида сақлаган маълумотлар сони кам бўлади. Бу эса ишни режалаштиришни қийинлаштиради, чунки терговчи ҳар бир янги очилган ҳолатдан кейин режани кўриб чиқиши ва уни тўлдириб туриши лозим. Шунинг учун ҳам режалаштириш узлуксиз давом этадиган жараёндир, у фақат тергов тугаши билан тугайди. Режалаштиришда икки асосий қисмга ажратиш мумкин:

- а) Ҳар бир босқич учун терговчининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш.
- б) Бу вазифаларни ҳал қилишнинг кўпроқ самарали усулларини ва тергов олиб боришнинг тўғри йўналишини танлаш.

Тергов йўналишини аниқлашда қуйидаги асосий ҳолатлар ҳисобга олинини керак:

1. Аввало дастлабки тергов ҳаракатлари режалаштирилади, бу ҳаракатларнинг бажарилиши жиноят излари ва бошқа далилларни тез топиш, жиноятчини аниқлаш ва ўзлаштирилган мулкни яширилган жойни аниқлашга ёрдам беради. Бундай тергов ҳаракатларига асосан ҳодиса жойини, хужжатларни кўздан кечириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, тинтуб, жиноятчини қидириш каби ҳаракатлар киради. Терговнинг кейинги босқичида ўтказиладиган ҳаракатларга - таниб олиш учун кўрсатиш - тергов эксперименти, юзлаштириш, сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш каби ҳаракатлар киради.

2. Режалаштириш тергов ҳаракатларининг содир қилинган жиноят ҳарактери, гумон қилинувчининг шахси, унинг кўрсатувлари, далилларининг мазмуни, илмий-техник ва бошқа воситаларни қўллашда

мутахассисларни ишга жалб қилиш кабиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3. Тергов олиб боришнинг усул ва йўналишини белгилашда, суриштирув органлари ходимларига қандай топшириклар бериш кераклигини илгаридан кўзда тутмок зарур. Бундан асосий мақсад, далиллар манбаини топиш, тезкор-қидирув тадбир-чораларини мувофиқлаштириш кўзда тутилади.

Йиғилган далилларга кўра, режа ўзгариши, унга қўшимчалар киритилиши, баъзи вақтларда эса умуман қайта тузилиши мумкин. Дастребки тергов ҳаракатларини олиб бориш босқичида жуда кенг ва турли-туман ҳаракатлар олиб бориладики, улар ўз навбатида бир-бири билан боғлик, мувофиқлашган ва қисқа муддат ичida ижро этилиши керак бўлган ҳаракатлардир. Бу ҳаракатларни яхши ишлаб чиқиб, режа асосида амалга ошириш керак. Режада ишлаб чиқилган версиялар қўрсатилмаслиги ҳам мумкин, чунки бу дастребки тергов ҳаракатлари босқичининг асосий вазифаси бўлиб, иложи борича кўпроқ далил тўплаш, уларни кейинчалик аниклаш, яъни уларни тасдиқлаш чораларини таъмин этиш, хужжатларни қалбакилаштириш, далилий ашёларни йўқотиш, ўзлаштирилган мулк ҳамда пул-сармояларини яшириш фактларининг олдини олиш, мансабдор шахсларнинг тил бириктириши, гувоҳларни ёлғон кўрсатув беришга кўндиришнинг олдини олиш чораларини кўриш зарур.

Режада барча тахминлар, ҳар бир тахминни текшириш учун белгиланган барча тергов ҳаракатлари ва бошқа чоралар кўрсатилади.

Терговчиларининг иш режаси ҳар хил тузилиши мумкин.

1. Умумий режа гурух раҳбари томонидан ишлаб чиқилади ва гурух аъзолари ўртасида муҳокама қилинади.

2. Индивидуал режа ҳар бир терговчига топширилган вазифа юзасидан тузилади.

3. Ҳар бир ҳодисага оид режа. Жиноят ишидаги алоҳида ҳодисалар юзасидан бажариладиган ишлар юзасидан тузилади.

Режалаштирилган тергов олиб бориш натижасида тахмин кўринишдаги гипотеза муҳим аҳамиятга эга. Тахмин бу терговчи қўл остида бўлган материаллардан келиб чиқувчи ҳамда етарли даражада асослантирилган, жиноий воқеа ёки уни содир қилган шахслар тўғрисидаги эҳтимоллардир. Содир қилинган жиноят бўйича, терговнинг дастлабки даврида, терговчига маълум бўлган далиллар етарли даражада бўлмаганлиги учун ҳам бир қанча тахминлар орқали уларни аниқлашга киришади. Тахминлар тўла ва аниқ бўлмаган маълумот беради. Лекин бу маълумот албатта текширилиши керак. Натижада илгари сурилган тахмин тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон бўлади.

Тергов жараёнида аниқ маълумотларни таҳлил қилиш билан асослантирилган тахмин юритиш моменти пайдо бўлганга қадар терговни режалаштиришда тахмин асосий роль ўйнайди.

Режалаштиришда тергов тахминларининг роли, терговнинг йўналишини аниқлаш билан чегараланиб қолмайди. Тахминлар алоҳида тергов ҳаракатларининг мазмуни ва тактикасини аниқланиши билан ўзgartилиши керак. Лекин камомадни аниқлашнинг ўзи моддий жавобгар шахсларнинг ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятида айбдор деб топиш учун ҳамма вақт асос бўла олмайди, чунки бу камомад бошқа сабаб натижасида бўлиши ҳам мумкин.

Мулкда камомаднинг аниқланиши муносабати билан қўйидагича тахмин юритиш мумкин:

- а) давлат ва жамоат мулки моддий жавобгар мансабдор шахс томонидан уюштирилган ёки растрата қилинган;
- б) мулкни бошқа шахслар томонидан талон-торож қилинган;

в) камомад моддий жавобгар шахснинг ўз хизмат вазифасига совуқонлик билан қарashi натижасида вужудга келган.

Моддий жавобгар шахснинг тушунтиришларидан келиб чиқадиган барча тахминлар албатта илгари сурилиши ва текширилиши зарур. Кўп ҳолларда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти у ёки бу усуллар билан яширилган бўлади, бу эса жиноятнинг ўз вақтида очилишга маълум даражада ҳалақит беради. Ҳужжатларни сохталаштириш - жиноятни яширишда кўп қўлланилади. Сохталаштирилган ҳужжатнинг топилиши, давлат ёки жамоат мулкининг талон-торож қилинганлик фактини исботлашдан озод қилмайли, чунки ҳужжатни сохталаштириш турли сабаблар билан ҳам тушунтирилиши мумкин. Масалан, мулкни қабул қилиб олишда қўйилган хато оқибатида келиб чиқсан камомадни қоплаш мақсадида ҳужжат сохталаштирилган.

Ҳужжатларни сохталаштириш натижасида мулкнинг маълум қисми асл ёки пул формасида ҳисобга олинмай қолади ва ҳисобга олинмаган мулк талон-торож қилинади.

Сохталаштирилган ҳужжатларга нисбатан қуидагича тахмин юритиш мумкин:

а) қўл остидаги ҳисобга олинмаган мулк бўлган моддий жавобгар шахс, шу мулкни ўзлаштириш мақсадида ҳужжатни сохталаштирган;

б) юқоридаги иштироксиз сохта ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин ёки уларнинг иштироқи бундай ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштирувчи бошқа шахслар томонидан ҳужжатлар сохталаштирилган;

в) ҳужжат бошқа камчиликларни ёпиш мақсадида қалбакилаштирилган.

Ортиқча мулк турли сабаблар билан пайдо бўлиши мумкин. Кейинчалик ўзлаштирилган ортиқча мулкни қасдан ҳосил қилинганлик

тўғрисида, бу мулкларнинг узоқ вақт ҳисобга олмаганлиги ортиқча мулкнинг муентазам равишда пайдо бўлиб туришлиги каби фактлар гувоҳлик бериши мумкин.

Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятини суриштируви ва дастлабки терговни ташкил этиш айрим жиҳатларга эътибор қаратиш зарур. Терговнинг жиноий ҳуқуқий мақсадларини белгилайдиган тактик вазифалари бўлиб қуидагилар хизмат қиласди:

- жиноят тўғрисидаги бирламчи материалларни дастлабки текшируви;
- жиноят содир қилишдан аввалги ҳолатни ўрганиш;
- мулкнинг ишониб топширилишини исбот қилиш;
- ўзлаштириш ёки растратани содир қилишнинг усулларини исбот қилиш;
- келтирилган заарнинг ҳажмини ва уни қайтаришни аниқлашнинг асосланганлигини текшириш.

Кўрсатилган вазият қуидаги тактик вазифаларни ечиш заруриятини туғдиради: жиноят содир қилиш ҳолатини ўрганиш, мулкни ишониб топширилганлигини исботлаш, жиноят содир қилиш усулини аниқлаш, исботлаш предметида ўз аксини топган терговнинг ҳуқуқий мақсадларини аниқлашга қаратилган зарарни қоплаш.

«Жиноят содир қилиш вазиятини ўрганиш» тактик вазифаси қуидаги мақсадларга эришишга йўналтирилган:

- Жиноят содир қилинган даврни аниқлаш;
- Мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг амалий мажбуриятларини аниқлаш;
- Товар-моддий бойлиқ ва пул маблағларининг ҳаракат тизимини ўрганиш.

Бу мақсадларга эришиш учун терговчи талон-торож юз берган корхона фаолият кўрсатадиган соҳанинг ўзига хос хусусиятларини, унинг фаолиятини тартибга соладиган норматив ҳужжатларини (ташкил қилиш

тартиби, таъсис ҳужжатларини-Уставини), эгаллаб турган иншоотларнинг ва кўчадиган хусусий мулк ҳуқуқларини, шунингдек корхона ёки ташкилотда пул маблағлари ва товар моддий бойликларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш тартибини ўрганиб чиқиши керак. Тактик масалаларни ечиш воситаларини кўриб чиқишдан олдин криминалистикада «жиноят содир қилишгача бўлган ҳолат» деб нимани тушуниш кераклигини аниқлаб оламиз.

Криминалистикада «ҳолат» тушунчаси тергов жараёнининг ретроспектив ҳарактери билан боғлиқ ўзига хос маъноси билан тўлдирилади.

Н.П.Яблоков шундай деган: «Содир қилинган жиноят тўғрисидаги хабарнинг ифодасининг даражаси жиноят содир қилинган шароитларга қараб ҳар хил бўлиши мумкин..., ва шунингдек жиноятчилар томонидан уларнинг жиноий фаолиятининг из ва оқибатларини йўқотиш бўйича қилган ҳаракатларига ва бу ҳаракатларнинг ҳарактерига боғлиқ»⁴⁸. Бунда ҳолат тушунчаси олимлар томонидан бир томондан тергов вазияти контекстида (Т.С.Волчецкая, В.К.Гавло ва бошқалар), бошқа томондан эса жиноятнинг криминалистик тавсифи контекстида кўриб чиқилади. (И.М.Лузгин, А.В.Дулов, В.А.Образцов).

Шундай, Т.С. Волчецкая криминал вазиятни (унинг фикрича ҳолатни) субъектнинг жиноий нияти амалга ошаётган келиб чиқкан шароитлар ва ҳолатлар деб қарайди, бунда у яна: «Криминал вазиятнинг элементлари бўлаётган предметлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг катта қисми атроф муҳитнинг бир қисми сифатида мавжуддир. Уларнинг бошқа қисми эса жиноятчи томонидан жиноятни тайёрлаш, содир қилиш ёки жиноятни беркитиш жараёнида атроф муҳитнинг бир қисми бўлади»⁴⁹.

⁴⁸ Криминалистика: учебник / отв. ред. Н.П. Яблоков. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2005. – с 154.

⁴⁹ Волчецкая, Т.С. Криминалистическая ситуатология: монография /Т.С.Волчецкая; под ред. проф. Н.П.Яблокова. - Калининград: Калининградский университет, 1997. - С. 9.

Олимларнинг иккинчи гурӯҳи томонидан таклиф қилинаётган жиноят содир қилишнинг ҳолати тушунчаси маълум тушунчаларга киритилган элементларга қараб фарқ қиласди. Шундай , Н.П. Яблоков жиноят содир қилиш ҳолати деб «... жой вақт, ашёвий, табиий-иқлиний, ишлаб чиқариш, майший ва атроф муҳитнинг бошқа шароитлари, ноқонуний ҳаракатлар содир қилган билвосита иштирокчиларнинг хулқий хусусиятлари, улар ўртасидаги руҳий алоқалар ва объектив воқеликнинг бошқа факторлари, жиноят содир қилишнинг имконияти, шартлари ва бошқа ҳолатларини объектлар, ҳодисалар, ва жараёнлар жиноят қилингунча ва қилиниб бўлгандан сўнг бир бири билан ўзаро алоқага кирадиган тизимни» тушунади⁵⁰.

ЖПКнинг 325-модаси 2-қисмига асосан Жиноят кодексининг 167-моддасида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилиши белгиланган. Менинг фикримча мазкур нормани чет эл инвестицияси иштирокидаги юридик шахсларнинг мол-мулки талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланганда инвесторлар манфаатини ҳимоя қилиш учун ариза мавжуд бўлмасдан туриб ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган заҳоти жиноят иши қўзғатишни назарда тутувчи норма билан тўлдиришни тавсия этган бўлар эдим. Чунки, аксарият ҳолларда мулкни талон-торож қилишда чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона мансабдор шахслари томонидан содир этилганлиги ва инвесторнинг бундан хабари бўлмаган ҳолларда, инвесторнинг мулкий манфаатларига зарар етиш эҳтимоли мавжуд. Шуни инобатга, агар ЖПКнинг 325-моддаси 3-қисми “чет эл инвестицияси иштирокидаги

⁵⁰ Криминалистика: учебник / отв. ред. Н.П. Яблоков. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2005. - С. 68.

юридик шахсларнинг мол-мулки талон-торож қилинган ҳолатлар бундан мустасно” мазмунидаги қўшимча киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2.3 Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятлари юзасидан суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориши

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 320³-моддасига асосан Жиноят ишини тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилади. Шунингдек, мазкур кодекснинг 381²-моддасига асосан ЖКнинг 167-модда 1-қисмида назарда тутилган жиноят ишлари суриштирув шаклида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасига асосан суриштирув органларига ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ва унинг жойлардаги бўлинмалари киради.

Жиноят содир этган шахс мансабдор шахс бўлмаса ҳамда ўзлаштирилган ёки раства қилинган мулкнинг қиймати қўп миқдорга етмаган ҳолда жиноят иши суриштирув тартибида тергов қилиниши мумкин.

Жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотлар бевосита аниқланган ҳар бир ҳолда қуидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- 1) жиноят ишини қўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекитсон Республикаси ЖПКнинг 331-моддаси 5-қисмига асосан Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган фактлар бўйича тадбиркорлик субъектига нисбатан жиноят ишини қўзғатишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг розилиги билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринbosарининг розилиги билан йўл қўйилади.

Суриштирув жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим.

Жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узокроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади. Бунда қолган жиноят ишлари бўйича иш юритиш муддати узокроқ тергов қилинган ишнинг муддати билан қамраб олинади ва қўшимча равища ҳисобга олинмайди.

Алоҳида иш юритувига ажратилган жиноят иши бўйича суриштирув муддати, агар жиноят иши янги жиноят бўйича ёки янги шахсга нисбатан ажратилаётган бўлса, тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади.

Қолган ҳолларда муддат бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувига ажратилган бўлса, ўша жиноят иши қўзғатилган пайтдан эътиборан ҳисобланади.

Иш айблов далолатномаси билан, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан, амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома билан прокурорга топширилган куни ёхуд ишни тугатиш ҳақида қарор чиқарилган куни суриштирув тамомланган ҳисобланади.

Суриштирув муддатига қуйидагилар кирмайди:

- 1) айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиб чиқсан вақт;
- 2) суриштирув тўхтатиб турилган вақт;
- 3) қўшимча суриштирув ўтказиш учун прокурор томонидан қайтарилган иш суриштирувчига келиб тушгунга қадар ўтган вақт.

Суриштирув муддати прокурор томонидан йигирма қунгача узайтирилиши мумкин.

Иш қўшимча суриштирув ўтказиш учун қайтариб юборилганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча суриштирув муддати мазкур ишни суриштирувчи қабул қилган пайтдан эътиборан ўн кун доирасида белгиланади.

Жиноят иши юзасидан суриштирув якунида айлов далолатномаси тузилади. ЖПКнинг 82-моддасига асосан ишни айлов хulosаси ёки айлов далолатномаси билан судга юбориш ва айлов ҳукми чиқариш учун қуидагилар исботланган бўлиши керак:

- 1) жиноят обьекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;
- 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;
- 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Дастлабки терговни бошлашда далил сифатида корхона ва товармоддий бойликларга оид хужжатлар муҳим роль ўйнайди. Хужжатлар кўрсатилган аризага илова қилинмаган бўлса, терговчи уларни процессуал қонунчиликка асосан олиб қўяди. Олиб қўйиш баённомасида хужжатнинг номи, унинг тасдиқланган санаси ва бошқа алоҳида белгилари кўрсатилади. Таъсис хужжатлари юридик бўлимда ёки бевосита ташкилотнинг раҳбаридан олиб қўйилиши мумкин. Таъсис хужжатларининг таҳлили ташкилотнинг тўла номини, мулк шаклини ва яна мулкни бу ташкилотга қандай хуқуқ асосида (хўжалик бошқарувими ёки оператив бошқарувми) бириктирилганини аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, таъсис хужжатларда корхона ёки ташкилотнинг у ёки бу даражадаги бюджетдан молиялаштириш тартиби, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти амалга оширишдан келган даромадларни тасарруф қилиш имконияти тўғрисида маълумотлар бўлади.

Корхонадаги мавжуд камомадни аниқлашнинг энг мақбул йўли бу тўсатдан ўтказиладиган инвентаризациядир. Инвентаризация ўтказиш қуйидаги ҳолларда мажбурийдир: ташкилотнинг мулки ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, давлат ёки муниципал унитар корхонасини қайта ташкил қилинганда; йиллик бухгалтер ҳисоботи тайёрлашдан олдин, моддий жавобгар шахслар алмашганда(ишларни қабул қилиш кунига); талон-торож ёки сустеъмол фактлари аниқланганда; ва шунингдек бойликларнинг бузилишида; табиий офат, ёнгин, авария ва экстремал шароитлар келтириб чиқарган бошқа фавқулодда ҳодисалар бўлганда; ташкилот тугатилганида (қайта ташкил қилинганда) тугатиш баланси (ажратиш) тузишдан олдин ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда. Инвентаризация ўтказиш учун комиссия тузилади. Комиссия таркибига ташкилот маъмурияти вакиллари товаршунослар, бухгалтерия ходимлари, бошқа мутахассислар (муҳандислар, иқтисодчилар, техниклар) киради, яна ташкилотнинг ички аудит хизмати, мустақил аудит ташкилоти вакиллари киришлари мумкин. Мулкнинг ҳақиқий мавжудлиги мажбурий

санаш, тортиш, ўлчаш йўли билан аниқланади. Мулкнинг ҳақиқий мавжудлиги ва ҳисобдаги молиявий мажбуриятлар ҳақидаги маълумотлар инвентаризациян рўйхатлар ёки инвентаризация актларида камида икки нусҳада ёзиб қўйилади.

Пул маблағлари ва бошқа бойликларни санашда кассада ҳисоб учун нақд пуллар, қимматбағо қофозлар ва пул хужжатлари қабул қилинади. Қимматбағо қофозлар ва бошқа қатъий ҳисобдаги хужжатлар бланкалари ҳақиқий мавжудлиги текшируви у ёки бу бланкларнинг бошланғич ва охирги рақамларини ҳисобга олиб ва яна ҳар бирининг сақлаш жойлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича ўтказилади. Йўлдаги пул маблағларининг инвентаризацияси бухгалтер ҳисобидаги суммаларни банк муассасаси, поча бўлими квитанциялари маълумотлари, илова қилинган банк инкассаторларига берилган ведомостлар нусҳалари билан солиштириш йўли билан ва бошқалар билан амалга оширилади. Банқдаги ҳисоб, валюта, ва маҳсус ҳисобларда сақланаётган пул маблағларининг инвентаризацияси ташкилот бухгалтерияси маълумотлари бўйича тегишли ҳисобларда сақланаётган қолдик суммалар банк кўчирмалари маълумотлари билан солиштириш йўли билан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида тафтиш қилинаётган даврда содир этилган хўжалик ва молиявий операцияларнинг қонунийлиги ва асосланганлигини хужжатли ёки фактик текшириш бўйича амалга оширилган мажбурий назорат ҳаракатларнинг тизимини, бухгалтерия ҳисобида ва ҳисботида тўғри акс этганини ва шунингдек қонунчилигига ва норматив актлари асосида уларга амалга ошириш учун жавобгарлик юклатилган раҳбар, бош бухгалтер ва бошқа шахслар ҳаракатларининг қонунийлиги тўғри акс этишини ифода қиласи. Текширув ташкилотнинг текширув ўтказилаётган маълум участкасида ишларнинг боришини алоҳида ўрганиш ёки назоратидир. Тафтиш натижалари тафтиш гурӯҳи раҳбари имзолаган акт билан расмийлаштирилади, зарурият туғилганда эса тафтиш гурӯҳи

аъзолари, тафтиш қилинаётган ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери томонидан ҳам имзоланади.

Камомад ҳосил бўлишигача бўлган ҳолатларни ўрганиш бўйича вазифаларни ечишга ёрдам берадиган батафсил маълумотлар бухгалтерия ходимларини гувоҳ сифатида сўроқ қилиш пайтида аниқланади. Шундай қилиб, товар-моддий бойликларни ўзлаштирилиши ва растрата қилишни тергов қилишда сўроққа бош бухгалтер, бухгалтериянинг моддий гурухи ходимлари, хўжалик мудири, омбор мудирлари, омборчилар, яъни корхонага келиб тушаётган товар-моддий бойликларни расмийлаштиришга, бойликларни ҳисобга олишга, уларнинг корхонадаги ҳаракатига, шу жумладан ишлаб чиқаришга ўтказишга алоқадор барча шахслар гувоҳ сифатида жалб қилинади. Пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилишни тергов қилганда гувоҳ сифатида бош бухгалтер, бухгалтерия ходимлари, кассир (бухгалтер-кассир) сўроқ қилинади. Сўроқ пайтида терговчи сўроқ қилинаётган шахсдан унинг ушбу эгаллаган лавозимида қанча пайтдан бери ишлаётгани, ушбу ходимнинг хизмат вазифалари доираси, корхонанинг молиялаштириш тартибини, корхонада бухгалтер ҳисоби олиб бориш шакли, товар-моддий бойликларни харид қилиш шакли ва сотувчи-ташкилотлар билан тўлов қилиш тартиби (пул маблағлари талон-торож қилинишида эса – пул маблағлари келиб тушиб тартиби, шу жумладан тадбиркорлик ёки бошқа даромад олиб келадиган фаолиятдан) ташкилотда ўтказиладиган товар-моддий бойликларнинг инвентаризация ўтказиш даврийлигини (пул маблағлари талон-торож қилинган ҳолларда эса Молия вазирлиги назорат тафтиш органлари томонидан қилинган тафтиш) аниқлайди. Терговчи бевосита товар-моддий бойликларнинг тергов қилинаётган ўзлаштириш ҳодисаси ҳақида гувоҳларнинг сўроғи пайтида аниқлайди, товар моддий бойликларнинг камомади қандай тарзда аниқланганини, инвентаризациянинг бошланиш ва тугаш вақти, инвентаризация ўтказиш учун асос, инвентаризация комиссияси таркиби, инвентаризация ўтказилган ва камомад аниқланган бўлим, камомад ҳажми

ва етишмаётган бойликларнинг номлари, камомад аниқланган товар моддий бойликларнинг келиб тушиш ва ҳисобга олиш тартиби, товар моддий бойликларнинг келиб тушиш вақти, келиб тушиши қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлиги, камомади аниқланган товар моддий бойликлар қандай усулда ишлатилиши кераклиги, ва шунингдек улар кимнинг ҳисобида ёки жавобгарлиги остида бўлганлигини аниқлайди.

Пул маблағларининг ўзлаштириш ёки растратасини тергов қила туриб терговчи бухгалтерия ходимларини гувоҳ сифатида сўроқ қила туриб улардан кассадан корхона ходимларига қандай тартибда пул маблағлари берилишини, аниқлайди, пул маблағларининг берилиши ва қабул қилиниши қандай тарзда ҳужжатли расмийлаштирилишини, пул маблағлари қандай мақсадларда берилганлиги, ҳисоб бериш шарти билан берилган аванснинг энг юқори ҳажми, кассир томонидан корхона ходимлари ва бошқа фуқаролардан пул маблағлари қабул қилишнинг тартибини аниқлайди. Бундан ташқари, терговчи пул маблағларининг камомади қай тарзда аниқланганлиги, тафтиш қилинган даври ва тафтиш комиссияси таркибини ўрганади.

Терговнинг қанчалик тез ва самарали бўлишлиги тергов органларига ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларининг белгилари мавжудлиги тўғрисидаги фактларни аниқлаш тафтиш материалларининг қанчалик тез ва ўз вақтида берилишига боғлиқ.

Махсус билим талаб қиласиган кейинги тергов ҳаракати бу тафтиш тайинлашдир. Тафтиш сўзи лотинча «revisios - қайта кўриб чиқиши» сўзидан олинган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий- хўжалик фаолиятига тааллуқли равишда амалга оширилган ҳар бир ўтказма ва операциянинг бухгалтерлик ҳужжатларида акс эттирилишини назорат қилиш мақсадларида қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини англаради.

ЖПКнинг 187⁵¹-моддасида тафтиш бу-бухгалтерия, молия, статистика, банк хужжатларини ва бошқа хужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш йўли билан олиш мумкин”лиги ва ушбу тергов ҳаракати ЖПКнинг 187³-моддасига тафтишчи сифатида иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг, давлат солиқ хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва худудий молия органларининг мутахассислари томонидан амалга оширилиши, тафтишни тайинлаш ҳам маҳсус билимлар талаб қилинадиган тергов ҳаракати эканлигини англаатади.

Тафтиш тушунчасининг тўғри белгиланиши ва унинг турларини аниқ ажратилиши жиноят ишларини тергов қилишда тафтишчиларнинг маҳсус билимларидан фойдаланишининг самарадорлиги юқори даражада бўлишига хизмат қиласди. Терговчи томонидан тафтиш ва текширувларнинг турлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш илгари ўтказилган тафтишлар хужжатларини тўғри баҳолашга, тергов қилинаётган жиноят иши материалларидан келиб чиққан холда бирламчи, қўшимча, такрорий тафтиш тайинлашда тафтишнинг тўрини тўғри танланишига хизмат қиласди.

Хужжатли тафтиш ҳўжалик фаолиятини назорат қилишнинг тури ҳисобланади. Хужжатли тафтишнинг асосий вазифалари қаторига белгиланган молия-ҳўжалик вазифаларининг тўғри бажарилишини назорат қилиш, моддий ва молиявий ресурсларни тўғри ишлатилишини текшириш, назорат-тафтиш ишларининг тўғри йўлга қўйилганлигини текшириш, ҳамда қўшиб ёзишлар, ўзлаштириш, растрата қилиш ҳолатлари ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг мавжудлигини текширишдан иборатdir.

Жиноят иши қўзғатилиши муносабати билан тайинланадиган ва ўтказиладиган тафтишнинг мақсади қуйидагилардан: талон-торож ёки бошқа жиноий қилмишлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигини

⁵¹ Исаева Л.М. Криминалистическое учение о специальных знаниях сведущих лиц. Автореф. Диссер. д.ю.н. -СПб, 2008, - с.20.

аниқлаш, молиявий операцияларнинг тўғри бажарилганлигини, бухгалтерлик ҳисобини тўғри юритилганлигини, моддий ресурсларнинг ҳаракатланиши тўғри ташқиллаштирилганлигини текширишдан иборатдир⁵².

Тафтиш - жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар ва органларнинг топшириғига биноан амалга ошириладиган фаолият бўлиб, тафтишчи ихтиёрига тақдим этилган материалларни ўрганиш ва ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига қўра далилий қучга эга бўлган далолатнома беришдан иборатдир.

Шундай қилиб, тафтиш қўйидаги сифатлар билан тавсифланади:

а) унинг ўтказилиши - юзага келган масалаларни маҳсус билимларни ишлатиш орқали хал этиш вазифасига эга процессуал ҳаракатдир;

б) тафтиш тайинланиши билан тафтишчи-мутахассис жиноят процессига субъект сифатида киритилиб, муайян ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда ўз фаолиятини амалга оширишда нисбий мустақилликка эга бўлади;

в) тафтиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва улар кейинчалик жиноят ишида далил сифатида ишлатилиши мумкин.

З.П.Климованинг фикрича, терговчининг талабига асосан ўтказиладиган хужжатли тафтишнинг предмети бўлиб, хўжалик воситаларининг хужжатлар, ҳисоб рўйхатларида акс этган ҳаракатланиши ва бухгалтерлик хужжатларини юритилиши ҳолати ҳисобланади ҳамда улар жиноят иши материаллари ва терговчининг топшириғи мазмунига бевосита боғлиқ бўлади⁵³.

Тафтиш материалларини таҳлил қила туриб терговчи қўйидаги ҳолатларга ўз эътиборини қаратмоғи лозим:

а) текширув ваколатли шахслар томонидан тегишли мутахассисларни (ҳисобчи, мұхандис ва бошқалар) жалб этиш ўтказилганлиги;

⁵² Ортиков А. Суд бухгалтерияси. Даерлик. -Т., 2005. -Б.124-129

⁵³ Климова З.П. Производство ревизии по уголовным делам. -М., 1999. -С.27-36

б) текшириш ушбу хўжалик тармоғида ўрнатилган тартибда ўтказилганлиги;

в) тафтиш актида у ёки бу хатоликлар аниқ далиллар асосида ифодаланганлиги ва уларнинг ҳар тарафлама текширилганлиги;

г) текширув материаллари тегишли ташкилот раҳбарлари томонидан кўриб чиқилганлиги ва уларнинг бу тўғридаги хulosалари;

д) тўпланган материалларнинг тўлиқлилиги;

е) аниқланган далиллар бўйича жавобгар бўлган шахсларнинг қандай тушунтириш берганлиги ва бу тушунтириш бўйича тафтишчи қандай хulosса берганлиги.

Агар жиноят иши тафтиш материаллари асосида қўзғатилган бўлса, қўйидаги дастлабки тергов ҳаракатлари амалга оширилади:

а) тафтиш асосида аниқланган ва асосланмаган деб ҳисобланган ҳужжатларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш;

б) тафтиш томонидан аниқланган қалбакилаштирилган ҳужжатларни тайёрлаган шахсларни сўроқ қилиш;

в) далилий ашё бўладиган ҳужжат ва предметларни қидириб топиш мақсадида айбланувчиларнинг туарар жойларида, иш жойида тинтув ўтказиш, моддий заарни қоплашни таъминлаш учун мулкларни аниқлаш ва рўйхатга олиш;

г) тафтиш материалларида кўрсатилган шахсларни сўроқ қилиш.

Тезкор-қидириув органлари томонидан тўпланган маълумотлар асосида қўзғатилган жиноят ишлари бўйича қўйидаги дастлабки тергов ва ташкилий тадбирлар ўтказилиши мумкин:

а) жиноят устида ушлаш;

б) ушланган шахснинг уйида ва иш жойида тинтув ўтказиш, жиноятчининг мулкига банд солиш;

в) ҳужжатларни кўздан кечириш, зарур ҳолларда олиб қўйиш;

г) далилий ашё бўладиган предметларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш;

- д) ишлаб чиқариш бинолари ва омборхоналарни кўздан кечириш;
- е) гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш;
- ж) инвентаризация ва тафтиш ўтказишни ташкил этиш.

Агар жиноят иши фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг берган шикоят ва аризаларини текширилиши асосида қўзғатилган бўлса, дастлабки тергов ҳаракатлари ва ташкилий тадбирлар ушбу материалларда мавжуд бўлган маълумотлар асосида аникланади. Кўп ҳолларда бундай вақтларда тергов ишини бошлашдан олдин инвентаризация ва тафтиш ўтказиш ташкил этилади.

Терговчи жиноят иши бўйича зарур барча ҳужжатлар билан таъминланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳужжатлар терговчига дастлабки материаллар ва тафтиш материаллари билан келиб тушиши мумкин. Бундай материалларни тегишли ташкилотлардан, турли шахслардан фуқаровий давъогари, шикоятчилардан, гумон қилинувчи ва айбланувчилардан, гувоҳлардан талаб қилиб олиш ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 161-моддасига мувофиқ терговчи зарур бўлган ҳужжатларни олиб қўйиш ҳукуқига эга. Терговчи жиноят ишини тергов қилишда қандай ҳужжат зарурлигини ва олиб қўйилиши лозим бўлганларини белгилаб қўйиши зарур. Бундай вақтларда терговчига мутахассис - ҳисобчи, иқтисодчи, криминалистлар катта ёрдам кўрсатишлари мумкин. Ҳисобчи ёки иқтисодчилар терговчига ҳужжатларни таҳлил қилишнинг қандай усулларидан фойдаланиши, терговчини қизиқтираётган операция қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши тўғрисида, криминалист эса кўздан кечирилаётган ҳужжатда қандай ўзгартиришлар, қалбакиликлар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар беришлари лозим.

Ҳужжатларни кўпроқ йиғиш учун ўтказилаётган дастлабки тергов ҳаракатлари тезкорлик билан ўтказилиши лозим. Кўздан кечиришга улгуролмаса ҳужжатлар сақланаётган жой муҳрлаб қўйилади. Кейинчалик

бу хужжатлар тўлиқ ўрганилиб, кераклилари жиноят ишига қўшиб қўйилиши мумкин, қолганлари эса қайтариб берилади.

Терговчи терговнинг бошланғич босқичида қуидагиларни қидириб топиши жуда зарур деб ҳисобланади:

- 1) талон-торож қилинган мулк;
- 2) жиноий йўл билан топилган пуллар; қимматликлар, омонат касса дафтарчаси, жиноий йўл билан топилган мулклар;
- 3) талон-торож қилиш учун тайёрланган, ҳисобда бўлмаган хомашё, яримфабрикатлар ва тайёр маҳсулотлар;
- 4) жиноий битим билан алоқадор бўлган турли ёзувлар;
- 5) тергов учун керакли бўлган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти иштирокчиларининг уй манзиллари, телефон рақамлари ва бошқа маълумотлар;
- 6) турли хужжатлар ва ёрлиқларнинг тоза бланкалари;
- 7) терговчини қизиқтираётган ташкилот ва корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини ифода этадиган бухгалтерия хужжатлари ва бошқалар.

Қайд этилган ҳолатларни аниқлаш ва далиллар тўплаш учун терговчи қуидаги дастлабки тергов ҳаракатларини ва ташкилий тадбирларни қўриши зарур:

- 1) жиноят устида ушлаш (хом ашёни ҳеч қандай хужжатсиз сотиш, қабул қилиш);
- 2) ушланганларни шахсий тинтуб қилиш;
- 3) хизмат хона (бино)ларида тинтуб ўtkазиш ва уларни қўздан кечириш;
- 4) тинтуб ўtkазиш ва қўздан кечиришда тайёрланаётган хужжатлар, предметлар, тайёр маҳсулотларни муҳрлаш зарурати бўлса, айримларини олиб қўйиш;
- 5) пул ва мулкни банд қилиш, уларни олиб қўйиш ва қўриқлашга топшириш;
- 6) талон-торож қилишда гумон қилинган шахсни сўроқ қилиш;

7) талон-торож фактларини кўрган гувоҳларни сўроқ қилиш;

8) омборларда, савдо-муассасаларида ва ташкилотларда, кассадаги пул воситаларини инвентаризация қилиш ёки моддий қимматликларнинг қолдиқларини ҳисобга олиш;

9) харидорларни алдаш ҳолатларини аниқлаш мақсадида назорат тарзда харид қилиш ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини назорат учун топширишни ўтказиш;

Қайд этилган дастлабки тергов ҳаракатлари ва ташкилий тадбирларни бажаришда топилган обьектларнинг ҳолати, кўриқланиши, хужжатларнинг сақланиши аниқ ва батафсил қайд этилиши жуда муҳим ҳисобланади.

Тафтиш ва инвентаризация материаллари асосида қўзғатилган жиноят ишлари бўйича қуидаги дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилади:

- 1) тафтишчи ва инвентаризация ўтказган шахсни сўроқ қилиш;
- 2) далолатномада кўрсатилган шахсларни сўроқ қилиш;
- 3) камчилик борлигини тасдиқловчи хужжатларни ўрганиш, тафтиш далолатномаси билан бирга, берилган хужжатларни олиб қўйиш ёки уларнинг йўқолмаслик чорасини кўриш;
- 4) камчилик учун жавобгар шахсни сўроқ қилиш;
- 5) уларнинг пул ва мулкини банд қилиш.

Хизмат биноларида, хоналарда тинтуб ўтказишида талон-торожчининг пули, қимматликлари, хизмат билан боғлиқ бўлган турли хужжатларни, уларнинг жиноий операциялари тўғрисидаги ёзувларини қидириб топишга ҳаракат қилиш керак. Бундай вақтларда хуфя жойларни қидириб топишга ҳам ҳаракат қилиш лозим.

Тинтуб ўтказишига тайёргарик кўришда умумий масалалардан ташқари мутахассис сифатида товаршуносларни, ҳисобчиларни, криминалистни жалб этиш масаласини ҳам ҳал этиш зарур бўлади.

Хужжатлар ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини тергов қилишида муҳим далиллардан бири ҳисобланади. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини

тергов қилишда терговчи ҳужжатларни тўплаш, кўздан кечириш ва текшириш ишларини амалга оширади. Терговчи мутахассис-бухгалтер ёрдамида муҳрланган ҳужжатларни тўплайди, зарур ҳолларда меъёрий ҳужжатларни тегишли корхоналардан талаб қилиб олади. Терговчи тўплаган барча ҳужжатларни диққат билан таҳлил қиласди, уларни текшириб чиқади. Ҳужжатларни текшириш усуллари уч турга бўлинади:

- 1) Айрим ҳисоб-китоб ҳужжатларини текшириш усули;
- 2) Бир-бири билан ўзаро боғлиқ операцияларни ифода этувчи бир неча ҳужжатларни текшириш усули;
- 3) Бир турдаги бошликларнинг ҳаракатини ифода этувчи ҳужжатларни текшириш усули.

Айрим ҳисоб-китоб бухгалтерия ҳужжатлари ўрнатилган тартиб бўйича текширилади, яъни ҳужжатларда барча зарурий реквизитларнинг борлиги ва уларда шубҳали реквизитларнинг бор ёки йўқлиги аниқланади.

Ҳужжатлар форма бўйича текшириб қўрилгандан кейин арифметик ва норматив текширувдан ўтказилади. Арифметик текширувда ҳужжатлардаги горизантал ва вертикал графаларда чизилган ёзувлар (рақамлар) солиштириб текширилади. Норматив текширувда эса ҳужжат мазмунининг ҳаракатдаги норматив актларга - инструкциялар, низомлар, қоидалар, харажат, чиқим нормаларига мос келишслиги текширилади.

Бухгалтерия ҳужжатларини текширишнинг хусусий усуллари ҳам мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

- 1) Товар-моддий қимматликлар ва пул воситалари ҳаракатини бевосита ифода этувчи кирим-чиқим ҳужжатларида маълумотларни ушбу операцияни бошқа тарзда ифода этувчи ҳужжатлар-маълумотлар билан солиштириб кўриш;
- 2) Моддий-товар бойликларни олиш ва бериш операциясини ифода этувчи ҳужжатлардаги маълумотларни биринчи операция билан ўзаро боғлиқ бўлган бошқа операцияларни ифода этувчи ҳужжат маълумотлари билан солиштириб кўриш;

3) Моддий-товар бойликларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчирилганлиги тўғрисидаги маълумотларни улар ташиб ўтказилган таралар тўғрисидаги маълумотлар билан солиштириб кўриш;

4) Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисидаги маълумотларини тезкор учёт маълумотлари билан солиштириб кўриш;

5) Назорат касса тасмасидаги маълумотларни касса чеклар маълумотлари билан солиштириб кўриш;

6) Пул воситалари ва моддий товар бойликларни бериш тўғрисидаги пул воситалари ва моддий товар бойликларни ёзиш ва бериш учун асос бўлган ҳужжатлардаги маълумотлар билан солиштириб кўриш.

Дастлабки терговдаги сўроққа мувофиқ равища, криминалистика тактикаси тавсия этган усуллар асосида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти бўйича сўроқ қилишга пухта тайёргарлик кўриш лозим.

Ўзлаштириш ёки растара қилиш йўли билан талон-торож қилиш жинояти бўйича сўроқ қилиш қуидаги таркибий қисмлардан иборат:

-жиноят содир бўлган ташкилот ёки корхоналарнинг асосий хусусиятларини ўрганиш;

- сўроқ қилинаётганинг шахсини аниқлаш;

- сўроқни режалаштириш;

- сўроққа чақиришни ташкил этиш;

- сўроқ давомида фойдаланиши лозим бўлган далилларни тайёрлаш.

Сўроққа тайёрлаш жараёнида терговни режалаштириш лозим. Олдиндан ўйлаб тузилган режа асосида сўроқни олиб бориш уни тўғри ташкил этишга ва терговчи томонидан бошқа ҳолатларни аниқлашга имкон беради. Терговни олиб бориш жараёнида тегишли равища гувоҳларни ажратиб олиш зарур:

1.Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти содир бўлган ташкилот раҳбарлари, бухгалтерлари ҳам давлат мулки ўзлаштирилганига маълум даражада айбдордирлар, баъзан эса мансабдор

шахс билан алоқадор бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам терговчи бундай гувоҳларни сўроқ қилишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак, чунки улар терговни чалкаштириши ёки йўналишни бошқа тарафга ўзгартириб юборишлари мумкин.

2. Талон-торож қилинган мулк билан бевосита алоқадор бўлган ишчилар. Бу омбор ходимлари, мулкни юклаш-туширишда иштирок этган ҳамда ортиқча мулк ҳосил қилинишини билган ишчилар бўлиши мумкин. Бундай гувоҳларнинг кўрсатувлари ўзлаштириш фактларини, ўзлаштирилган мулкнинг миқдори, жиноят бир гурух шахслар томонидан содир қилинган бўлса, иштирокчиларнинг кимлигини, иштирокчилардан ҳар бирининг жиноятдаги ролини аниқлашга маълум даражада ёрдам беради. Бундай гувоҳларни сўроқ қилиш кўпинча ижобий натижа беради.

3. Талон-торож қилинган мулкни ташишда ёрдам берган шахслар. Булар автомашина шофёрлари, юкни олиб боришида иштирок этган шахслар, яъни ишчилар бўлиши мумкин. Кўпинча маълум жойга юк олиб борган, лекин маршрут йўл варақасида акс эттирилмаган бўлса шофёрлар гувоҳ тариқасида қатнашадилар.

4. Юқори турувчи ташкилот ходимлари, тафтишчи ва назоратчилар.

Гувоҳларни кўрсатув бериш мазмунига қараб яна уч гурухга бўлиш мумкин.

Биринчи гурухдаги гувоҳлар ўз хизмат мансабидан фойдаланиб талон-торож ишлари юзасидан бўлган фактларни бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қиласидилар. Булар корхона, муассасаларнинг бухгалтерлари, тафтишчилари ва раҳбарлари бўлиши мумкин. Уларни сўроқ қилишда кўрсатмаларини аниқлаштириб, ҳужжатларга асосланган ҳолда исботлашлари ва атрофлича тушунтириб беришлари талаб қилинади.

Иккинчи гурух гувоҳлар аниқланган камомад, ортиқча маҳсулотларни беркитиб қолишга уринадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг кўрсатмаларини диққат билан тинглаш, ҳодисани тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчи гурух гувоҳларга жиноятни фош этиш зарур фактлар маълум бўйса ҳам бу ҳақида ҳеч нарса билмасликларини пеш қиласдилар. Аслида улар талон-торож қилган шахслар билан алоқада бўладилар. Булар шофёрлар, юк ташувчилар, қоровуллар, оддий сотувчилар ва бошқалардан иборат муҳим гувоҳлар хисобланади.

Юқорида қайд этилган шахсларни сўроқ қилишда қўйидаги ҳолатларни аниқлаш керак:

- а) гувоҳнинг айбланувчига нисбатан бўлган муносабати;
- б) гувоҳда ўз кўрсатмасини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва ёзувларни бор ёки йўқлигини аниқлаш;
- в) сўроқ мобайнида бошқа шахслардан олинган кўрсатмаларни тўғрилигини аниқлаш;
- г) талон-торож қилиш билан боғлиқ бошқа фактларни унга қанчалик маълумлиги ёки маълум эмаслигини сўраб билиш.

Гувоҳни сўроқ қилишда терговчининг тарбиявий функцияси аҳамиятини унутмаслик керак.

Гувоҳни сўроқ қилишда факат унинг шахсини ўрганиб қолмай, балки шу билан биргаликда унинг тўғри кўрсатма беришига ҳалақит берадиган ҳолатларни аниқлаш терговчининг ўзига хос санъати хисобланади, чунки ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятида мансабдор шахслар одатда гувоҳларни йўқ қилишга, алдашга, сотиб олишга ҳаракат қиласди.

Айбланувчи ва гумон қилингандан тўла ва ҳақиқий кўрсатма олиш учун терговчи сўроқ қилиш жараёнида бир қанча тактик усулларни қўллаши керак бўлади. Гумон остидаги шахс терговчи қўлида ўзини айблаш усун материал тўла эмаслигини яхши тушунади, акс ҳолда унга айб эълон қилингандан бўлар эди.

Шунинг учун ҳам содир бўлган жиноятда ўз айби борлигини инкор этишга ҳаракат қиласди. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятида гумон остидаги шахс камомад келиб чиқишга ўзининг

бевосита алоқаси йўқлигини, кўпинча улар ҳужжатларидағи хатолик ёки объектив омиллар асосида келиб чиққанлигини асос қилиб кўрсатадилар.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини тергов қилиш бўйича гумон остидагиларни сўроқ қилишда қуидаги ҳолатларга эътибор бериш катта аҳамиятга эга:

а) гумон остидаги шахсни сўроқ қилишда унинг асосий вазифаси, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун тўла ва ҳаққоний кўрсатув бериши;

б) унинг ўз айбига иқрор бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмасада бу бошқа далиллар каби муҳимлиги;

в) ўз айбини бўйнига олиш айбдор эканлигини исботловчи фактор эмас, чунки унинг айбдорлиги бошқа далиллар билан ҳам тасдиқланиши зарурлиги;

г) шахснинг айбига иқрор бўлиши билан чегараланиб бўлмайди, бошқа жиноят иштирокчиларини ҳам мазкур жиноятдаги шитирокини аниқлаш лозимлиги.

Иштирокчиларни аниқлаш ўзлаштирилган мулкнинг миқдорини аниқлаш имконини беради.

Агар иш бўйича бир неча гумон остидаги шахсларни сўроқ қилишга тўғри келса, терговчи аввало сўроқни кимдан бошлаш масаласини тўғри ҳал қилиш, иш учун катта аҳамият касб этади.

Сўроқни аввало жиноятнинг иккинчи даражали иштирокчиларидан бошлаш зарур, бундай иштирокчилар кўпинча жиноятга тасодифан қўшилиб қолган шахслар бўлади ва объектив кўрсатма беришга ҳаракат қиласидилар.

Жиноятчиликка қарши қурашиб қонунчиликни ва тергов амалиётини таҳлил қилиш қуидаги ҳолатларда маҳсус билимлардан фойдаланиб, жиноят ишлари тергов қилиниши хусусида хуносага чиқаришга имкон беради:

-нарса ва ҳужжатларни топиш, олиш ва мустахкамлашда шунингдек, техник воситаларни қўллашда ҳамда тергов ҳаракатларини ўтказиша махсус ҳарактердаги масалаларни тушунтиришда қўмаклашиш учун;

-хулоса бериш ва мутахассисни касбий соҳасига алоқадор масалалар хакида сўроқ қилинш учун;

-экспертиза ва тафтиш тайинлаш ҳамда эксперт ва тафтишни сўроқ қилишда

Жиноят ишларида махсус билимларнинг қўлланиши борасида турли хил ёндашув бўлиб, Ўзбекистон Республикасида шу соҳани чуқур таҳлил қилган ю.ф.д. И.Р.Астановнинг илмий ишларидағи позициясини қўллаб кувватлаб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг билими истисно қиласидан соҳаларга оид билимларни тушунамиз⁵⁴.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 172-моддасида иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади, деган қоида ҳам шундай ёндашув асослилигини тасдиқлайди.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилишда турли-туман масалаларни у ёки бу турдаги экспертизаларни тайинлаш орқали ҳал қилинади. Куйида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини тергов қилишда тайинланадиган айrim турдаги экспертизалар устида тўхталиб ўтамиз:

Бухгалтерия экспертизаси қўйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади:

- а) моддий товар қимматликлар, пул воситаларининг кам ёки ортиқча чиқиши ҳажмини текшириш ва аниқлаш;
- б) хом-ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни сарфлашнинг асосли эканлигини текшириш;

⁵⁴ Астанов И.Р. Жиноят ишлари буйича махсус билимлардан фойдаланишининг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Автореф. юф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т., 2018. - 75 б.

- в) молия интизомининг бузилганлик ҳолатларини аниқлаш;
- г) мазкур объектда ҳисоб-китобнинг тўғри олиб борилганлигини текшириш;
- д) ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг содир этилишига сабаб бўлган шароитларни аниқлаш.

Экспертизани тайинлашдан олдин терговчи эксперт бухгалтер билан маслаҳатлашиб, экспертиза предмети ва вазифалари, текшириш учун олинадиган хужжатларнинг сони ва турларини, эксперт томонидан ҳал этиладиган саволларнинг мазмунини аниқлайди.

2. Криминалистика экспертизаси қуийдаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади:

- а) дастхатни бажарган шахсни идентификация қилиш;
- б) бир неча хужжатларни бажарган, тайёрлаган шахсларни аниқлаш;
- в) хужжатлар мазмунидаги ўзгариш фактларни ва уларни бажариш усуулларини аниқлаш;
- г) хужжатлардаги дастлабки ёзув мазмунини аниқлаш;
- д) ёзув машинкаларини идентификация қилиш;
- е) муҳр ва штампларни идентификация қилиш ва х.к.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини тергов қилишда кўпинча дастхат ва текстларни экспертиза қилиш, хужжатларни криминалистик асосда текшириш учун трасологик экспертизалари тайинланади.

3. Технологик экспертиза қуийдаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади:

- а) технологик режимдан четга чиқиш ҳолларини, уларнинг нималарда ифода этганлигини, ишлаб чиқилган маҳсулот сифатига қандай таъсир қилганлигини айниқлаш учун;
- б) ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот учун қанча хомашё яримфабрикатлар сарф этилганлигини аниқлаш;

в)тайёр маҳсулотларнинг давлат стандарти шартларига мос келишилиги;

г)маълум материаллар ёки маҳсулотларни тайёрлашда ёки ишлаб чиқаришда сарф этилган хомашё техник шартлар (талаоб)ларга мос келишилиги ва ҳ.к.

Экспертиза ўтказиш учун етарли материалларни ўз вақтида етказиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Терговчи талон-торож содир этилган давр ичидаги тайёрланган барча маҳсулотларни топишга ҳаракат қилиши лозим.

4. Товаршунослик экспертизаси асосан саноат ва савдо соҳасида содир этилган жиноий ишларни тергов қилишда тайинланади. Экспертизанинг обьекти бўлиб, тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Товаршунослик экспертизаси орқали тайёр маҳсулотларнинг сифати тўғрисидаги тайёр маҳсулотларнинг техник шартлар ва давлат стандарти талабларига мос келишилиги, номи, сорти ва баҳосининг тўғрилиги каби масалалар ҳал этилади.

5. Қурилиши техника экспертизаси асосан қурилиш ишларини олиб бориши жараёнида содир этилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини тергов қилишда тайинланади ва қурилиш обьектининг смета баҳоси, қурилиш ишлари материаллар нархи сметага мувофиқ аниқланганлиги қурилиш баҳоси қанча суммага ошириб кўрсатилганлиги каби масалалар ҳал этилади.

Тергов ҳаракатларини ўтказишида маҳсус билимлардан фойдаланишининг бир кўриниши мутахассис ишироқида намоён бўлади.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларни тергов қилишда мутахассисларнинг иштирокини таъминлаш қўйидаги ўзига хосликларга эга бўлади:

-мутахасиснинг шахси, мутахассислик бўйича маълумоти ва илмий даражаси бўлса, у ҳам иш материалларида акс этиши лозим;

-унга тегишли хуқуқ ва мажбуриятларнинг тушунтирилиши (ЖПК 70-модда);

-ушбу туркумдаги жиноятларда кўп ҳолатларда мутахассиснинг жиноят иши материаларини ошкор килмаслик тўғрисида огохлантирилиши;

-мутахассиснинг эркин билим ва кўникмаларини ишга солиш учун терговчи томонидан у иштирок этиши ва кўмаклашиши лозим бўлган ҳолат хусусида маълумотлар берилиши;

-бир неча мутахассислар иштирок этаётган вазиятларда терговчи томонидан уларнинг ҳар бирига алоҳида вазифаларнинг тақсимланиб берилиши;

-тергов ҳаракати бошланишидан олдин ва кейин мутахассис билан тергов ҳаратининг тўғри ва натижадор ўтказилганлиги хусусида маслаҳатлашувнинг амалга оширилиши.

Ўзлаштириш ёки растарата йўли билан талон-торож қилиш жиноятида хатшунослик экспертиза кўп кўлланилади. Ушбу экспертизада имзо намуналари олиниб, бухгалтерия, тўлов-топшириқномаси, юк хати, ишончнома ва бошқа ишга алоқадор ҳужжатлардаги имзолар билан солиштириш орқали амалга оширилади. Бунда ҳам намуна тақдим килаётган шахс имзони, хусни хатини ўзгартиришга ҳаракат қиласи. Ўша вақтда ҳам эксперт билан маслаҳатлашган ҳолда олдинги имзолари ва ёзувлари олиниши ва жўнатилиши мумкин.

Кейинги ўтказиладиган экспертиза турлари - суд-баҳолаш, молия-иқтисодий ва суд-бухгалтерия эксперизаларидир. Ушбу экспретизаларни тайинлашдан олдин жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсга тегишли ва унинг уйи, ишхонаси(офиси)даги барча ҳужжатлар, расмий ва норасмийлигидан қатъий назар олиниши лозим деган тахминда бўлиш керак. Экспертнинг ўзи ёки унга қадар мутахассис билан маслаҳатлашган ҳолда, керакли ҳужжатларнинг ҳаммаси олиниши лозим. Хусусан “кора бухгалтерия”ни акс эттирувчи блокнотлар, электрон файллар, ёзишмалар ва хаказо. Тайинланадиган экспертизанинг қийинлик даражасидан келиб чикиб, экспертни танлаган маъқул. Айрим вазиятларда эксперталарнинг

тайинланган ҳолат мураккабидан хулоса беришда хатоларга йўл қўйган ҳолатлари ҳам учраб туради. Терговчи экспертиза учун савол қўяётганда гумон ёки айлов асосига қўйилаётган жиноятга хос назарий-ҳукукий қоидаларни яна бир бор кўриши, бошқа жиноятлардан фарқловчи белгилар хусусида ичидаги мушохада қилиш, ёш терговчилар эса, тажрибали устоз терговчилар билан маслаҳатлашиши мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг саволлар рўйхатини шакллантириш лозим. Акс ҳолда, терговчи бошқа иштирокчилар олдида ноқулай аҳволга тушади ва жиноят ишини тергов қилишда қийинчиликлар бошланади.

Жиноят-процессуал кодексида бир қатор тергов ҳаракатлари санаб ўтилган бўлиб, уларни қатъий равишда кетма-кетликда амалга оширилади деб бўлмайди. Фақатгина мазмунига қараб ҳамда ҳар бир жиноят ишининг индивидуал хусусиятларига кўра ажратиш мумкин. Мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятида дастлаб сўрек тергов ҳаракати амалга оширилади. Дастлабки тергов бошланишидан иш судга юборилгунга қадар бўлган жараённи қуидаги икки босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ёки процессуал ҳаракатларини ўтказиш босқичи;
2. Бошқа тергов ёки процессуал ҳаракатларни амалга ошириш босқичи.

Қайд этиш керакки, ЖПКда “кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар” деган жумла ишлатилсада, бироқ Кодекснинг муайян нормасида қандай ҳолатлар кечиктириб бўлмайдиган деб эътироф этилиши назарда тутилмаган.

Жиноят процесси назарияси ва амалиётидаги айрим тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш орқали, турлича ёндашув ҳолатларига барҳам берилишини таъминлаш лозим.

Қайд этиш жоизки, тадқиқот ишини олиб боришда, назариётшунос олимлар муайян соҳага ёндашганда, уларнинг мазмунини турлича шарҳлашга ҳаракат қилишади. Аслида, бу тадқиқот ишидан

фойдаланувчиларда ҳар хил тушунчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, процесуал қонунчиликда муайян норма мазмуни очиб берилмаганлиги натижасида, уни қўллашда ва тушунишда муаммолар юзага келади. Ўз-ўзидан, мазкур жараён нормани ҳамма бир хил тушуниши учун унинг мазмунини очиб беришга эҳтиёж мавжудлигини англатади. Масалан, тергов ҳаракати, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари тушунчалари ЖПКда баён этилмаган бўлиб, натижаси далил бўлиб хизмат қилмасдан, фақат бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш учун асос бўладиган экспертиза текшируви учун намуналар олиш, мурдани экслумация қилиш каби ҳаракатлар тергов ҳаракати хисобланиши ёки йўқлиги ҳолати мавхумлигича қолган.

Юқоридаги тергов ҳаракатларидан унумли фойдаланган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилиш муаммолари бартараф этилиши мумкин.

ХУЛОСА:

Тадқиқот ишида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноягини тергов қилиш масалалари ҳақида фикр юритилиб, мазкур йўналишдаги дастлабки терговни олиб боришга оид хуқуқ назарияси ва мазкур жараённи тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, шу жумладан, хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги таклифларни амалга ошириш юзасидан хулоса қилинади:

I.Илмий-назарий таклифлар:

1. “Тергов ҳаракати” таърифини қўйидагича баён этиш: “Тергов ҳаракати – бу жиноий ҳодисанинг рўй берган бермаганлигини, шахснинг ушбу ҳодисага алоқадор ёки алоқадор эмаслигини ҳамда иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашга қаратилган ҳамда натижаси жиноят иши бўйича далил бўлиб хизмат қиласиган ҳаракат ҳисобланади”.

2. ЖПҚда қўлланиладиган “кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлар” жумласига қўйидагича таъриф бериш: “Кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлар – бу зудлик билан амалга оширилмаслиги келгусида далилларнинг йўқолиб кетиши ёки номақбул деб топилишига, шунингдек, иш бўйича ҳақиқатни ўз вақтида ва тезкор аниқлашдан иборат бўлган ҳаракатлардир”.

II.Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунлари нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Суд-тергов амалиётининг таҳлили ҳужжатни қалбакилаштириш йўли билан содир этиладиган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни асоссиз равища ЖК 209. 228-моддалари билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинаётганлигини кўрсатди. Бироқ мазкур ҳолатда, ҳужжатларни қалбакилаштириш мустақил жиноят эмас балки, ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноягини амалга ошириш усули бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддасига “хужжатларни

калбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса” деган банд қўшилса, мантиқан тўғри бўлиши мумкин.

2. ЖКнинг “Одил судловга қарши жиноятлар таркиби”га кирувчи 238-моддасида ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши, худди шунингдек таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бироқ, ушбу моддада ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов ылишида асосий тергов ҳаракати хисобланган тафтиш ўtkазган мансабдор шахслар томонидан қасдан нотўғри хулоса берганлик ёки тафтиш далолатномасида ёлғон маълумотлар киритганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Бу эса ўз навбатида, тафтиш ўtkазиш жараёнида коррупцион ҳолатларни келиб чиқишига, пировардида, етказилган зарар миқдорининг тўлиқ аниқланмаслигига, жиноят иши айборлари доираси тўлиқ аниқланмаслигига олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан, ЖКнинг 238-моддаси 1-қисми диспозициясига **“тафтиш ўtkазган мансабдор шахс томонидан тафтиш далолатномасига ёлғон маълумотлар киритиши”** жумласини қўшилса, мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди.

2. ЖПКнинг 325-моддаси 2-қисмига асосан Жиноят кодексининг 167-моддасида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулқдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилиши белгиланган. Менинг фикримча мазкур нормани чет эл инвестицияси иштироқидаги юридик шахсларнинг мол-мулки талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланганда инвесторлар манфаатини ҳимоя қилиш учун ариза мавжуд бўлмасдан туриб хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган заҳоти жиноят иши қўзғатишни назарда тутувчи норма билан тўлдиришни тавсия этган бўлар эдим. Чунки, аксарият ҳолларда мулкни талон-торож қилишда чет эл инвестицияси

иштирокидаги корхона мансабдор шахслари томонидан содир этилган ва инвесторнинг бундан хабари бўлмаган ҳолларда, инвесторнинг мулкий манфаатларига зарар етиш эҳтимоли мавжуд. Шуни инобатга, агар ЖПКнинг 325-моддаси З-қисми “чет эл инвестицияси иштирокидаги юридик шахсларнинг мол-мулки талон-торож қилинган ҳолатлар бундан мустасно” мазмунидаги кўшимча киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

III. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг профилактикасида қуидаги жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш керак:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобидан «ортиқча» маҳсулот пайдо бўлишининг олдини олиш бўйича назоратни кучайтириш;
- хўжалик-молиявий назорат ўрнатиш;
- монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солиш, шунингдек, ушбу соҳа учун профессионал кадрларни танлаш ва тайёрлаш;
- мақсадга йўналтирилган профилактика фаолиятини режалаштириш;
- хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича тажриба алмаштириш ва улар билан ушбу соҳада ҳамкорлик ўрнатиш;
- алоҳида профилактик чоралар билан чекланмасдан, профилактика чоралари тизимини ташкиллаштириш;
- қурилиш, бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат ҳаридлари соҳасида шаффоликни таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш, бунда интернет ресурсларидан, оммавий ахборот воситалари, масс-медиа, блогерлар имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ва давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда профилактик чора-тадбирларни олиб бориш;
- кадрларни тўғри танлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Рахбарий адабиётлар (Методологик аҳамиятга молик нашрлар)

1. Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъийлик билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз” 1-Т Тошкент “Ўзбекистон” 2017. 68-б
2. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Т.: O‘zbekiston, 2017. - 488 b.
3. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. - Т.: O‘zbekiston, 2016. - 48 b.
4. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. -Т.: O‘zbekiston, 2017. - 32 b.
5. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тарккиёт йулимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кутарамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 52 б. Т.: O‘zbekiston, 2017. - 104 b.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi -Т. “O‘zbekiston”, 2017// <http://constitution.uz/uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси//
<https://www.lex.uz/acts/111460>
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси //<https://www.lex.uz/acts/111453>
4. O‘zbekiston Respublikasining “Prokuratura to‘g‘risida”gi (yangi taxrir) O‘zbekiston Respublikasi Qonuni (29.08.2001) //O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Axborotnomasi. 2001. 9-10-son, 168-modda.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ти Қонуни. www.lex.uz/064951555

6. Уголовный кодекс Республики Армения //<http://www.parliament.am/legislation.php?sell=show&ID=1349&-lang-rus#>
7. Уголовный кодекс Республики Белорусь-СПб-Юридический центрПресс.2001-С267-268.
8. Уголовный кодекс Республики Молдова-СПб-Юридический центрПресс.2003-С262-263
9. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики -СПб-Юридический центрПресс.2001-С197-198
- 10.Уголовный кодекс Российской Федерации-М.Дашков и К. 2004-С 102
- 11.Уголовный кодекс Кыргызской Республики-СПб-Юридический центр Пресс.2002-С 181-182
- 12.Уголовный кодекс Республики Казахстан-СПб-Юридический центр Пресс.2001-С 198-199
- 13.Уголовный кодекс Грузии-СПб-Юридический центрПресс.2001-С 218-219
- 14.Уголовный кодекс Республики Таджикистан-СПб-Юридический центрПресс.2001-С254-255
- 15.Уголовный кодекс Украины-СПб-Юридический центрПресс.2001-С 167-168

Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:

- 16.Kriminalistika taktikasi: darslik / Т.М.Mamatkulov, Sh.T.Djimanov, U.T.Turgunov va boshq. -Т.: O’zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2013. -200 b.;
- 17.Жиноятларни тергов килишнинг методикаси: Ўқув қўлланма/ Р.РШакуров, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров, Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазов. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. -200 б.;
- 18.Криминалистическая методика Расследования преступлений: Учебное пособие /Шакуров Р.Р., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н., Тураева Д.Р.,

- Алланазаров О.Д.. -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, - 2013. -83 стр.;
- 19.Kriminalistika: Darslik T.B. Mamatkulov, Sh.R.Astanov va boshq. - -Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015. -457 б.; Джуманов Ш.Т. Криминалистика: Учебник. -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, - 2017. -476 стр.;
- 20.Рустамбев М.Х., Норбоев А. Криминалистика (схемалар). Ўқув қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2002. -62 б.
- 21.Криминалистика: Учебник. / Закурлаев А., Базарова Д. и др. - Т.: ТДЮУ, 2016. - 533 стр. Zakurlaev A.K., Maxmudov K.O.
- 22.Kriminalistika. Darslik 1-jild. -Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. -447 б.; Zakurlaev A.K., Maxmudov K.O.
- 23.Kriminalistika. Darslik 2-jild. -Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. -365 б.
24. Каримов В. Тезкор-қидирув фаолияти Дарслик-Т., 2020. -103 б.
25. Маматкулов Т.Б., Астанов И. Ва бошк. Криминалистика: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. -Б. 498.
- 26.Отажонов А. А. Бошқарув тартибига карши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -58 б.
- 27.Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар Maxsus қисм-Тошкент ILM-Ziyo 2006-Б.263
- 28.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шархлар. Масъул муҳаррир проф. Г.Абдумажидов. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. - 173-б.
- 29.Российское уголовное право: в 2 т. Том I. Общая часть / под ред. проф. А.И. Рарога: учебник для вузов.-М.: Профобразование,2001,-с. 103,105.
- 30.Уголовное право России. Общая часть: учебник для вузов / под ред. Э.И.Звечаровского. - М.: Юристъ, 2004. - с. 128-129.
- 31.Бабаев, Л.Б. Система вещных прав: монография /А.Б. Бабаев. - М.: Волтере

- Клувер, 2006. - с. 209.
32. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / отв. ред. В.М. Лебедев. - 6-е изд., перераб. и доп., - М.: Юрайт-Издат, 2006. - с. 435.
33. Курс криминалистики. Общая часть / отв. ред. В.Е. Корноухов. - М.: Юристъ, 2000. - с. 44.
34. Тропин С.А. Ответственность за хищение имущества, совершенное путём присвоения или растраты Автореф.дис.канд.юрид.наук.-М.1991-С 11
35. Горелик А. Советское уголовное право. Библиографический справочник.(1961-1980 гг)-М.1983.-С.175-177. Горелик А. Советское уголовное право. Библиографический справочник.(1981-1985 гг)-Красноярс.1987.-С.101-102
36. Степанов, В.В. Предварительная проверка первичных материалов о преступлениях/ В.В. Степанов. - Саратов, 1972. - с. 9-10.
37. Белкин, Р.С. Курс советской криминалистики. Т. 3. Криминалистические средства, приемы и рекомендации / Р.С. Белкин. - М.: Академия МВД СССР, 1979. - с. 264.
38. Образцов, В.А, Криминалистическая классификация преступлений / В.А.Образцов, - Красноярск: Изд-во Краснояр. ун-та, 1988,-с. 73-74.
39. Ожегов, С.И. Словарь русского языка: ок. 57000 слов / под ред. чл.-корр. АН СССР Н.Ю. Шведовой. - 18-е изд., стереотип. - М.: Рус. яз., 1987-е. 374.
40. Криминалистика: учебник / отв. ред. Н.П. Яблоков. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2005. - с.

Диссертация ва диссертация авторефератлари:

1. Астанов И.Р. Жиноят ишлари буйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жихатлари. Автореф. юф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т., 2018. - 75 б.

2. Мирзаев У. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик муаммолари. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2019. –8-125 б.
3. Каландаров М.М. Ўзлаштириш ёки растрата йули билан талон- торож қилиш: жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлар. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2011. – 23-195 б.
4. Гарбуз Г.С. Методика по расследованию присвоения или растраты, совершаемых в бюджетной сфере. Диссертация. Кандидат юридических наук. Москва. 2007 www.diss.rsl.ru 15-78 стр.
5. Мардонов Ж.Х. “Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш методикаси” Магистрлик диссертацияси Тошкент 2020 йил. 6-53 б.